Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 5 январь 1973 йил, жума ◆ № 4 (15.478). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Суратда: Мавжуда Рўзиева. Тошкент абразив заводининг бу пешқадам ишчиси 1973 йилнинг илк кунлариданоқ кунлик топшириқни 130-140 процент бажариб, кўпчиликка намуна бўлмоқда.

А. Тўраев фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАШИНАСОЗЛАР МАРРАСИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ К. Е. ВОРОШИЛОВ НОМЛИ «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1973 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг ССР Иттифоқи ташкил топган куннинг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида қилган докладидан илҳомланган «Ташсельмаш» заводи меҳнаткашлари коллективи партиянинг беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилини ҳам янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш тўғрисидаги даъватига жавобан 1973 йилда қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилди:

ишлаб чиқариш ҳажми бўйича давлат планини муддатидан илгари, 28 декабрда бажарамиз ва пландан ташқари 200 минг сўмлик товар маҳсулот берамиз.

Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқни 5 процент ошириб бажарамиз. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишига ишлаб турган ходимлар сонини кўпайтирмай, прогрессив технологияни жорий қилиш, меҳнатни илмий ташкил этиш, корхонани реконструкция қилиш йўли билан эришамиз. Тежамкорликни кучайтириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштириш йўли билан пландан ташқари 35 минг сўмлик маҳсулот берамиз.

Тўрт қаторли «ХН-3,6» маркали («Ўзбекистон») янги пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш учун 1 июлга қадар тайёргарлик кўрамиз ва учинчи кварталда бу машиналарни кўплаб ишлаб чиқаришни уюштирамиз.

«14ХВ-2,4А» маркали пахта териш машиналарининг 500 деталь ва узелларини сифат белгиси аттестациясидан ўтказамиз. Иккинчи механика-йиғув цехида меҳнатни илмий ташкил этиш комплекс планини тўлиқ бажарамиз. Иқтисодий-математик методларни ва ҳисоблаш техникасини қўллаб, энг муҳим бошқарув операцияларидан бирини — асосий ишлаб чиқаришдаги цехлар бўйича ва умуман завод бўйича деталлар ҳамда узеллар ҳаракатини ҳисобга олиш ишларини автоматлаштирамиз.

Йилнинг биринчи ярмида 14-цехнинг маъмурий-идора корпусини фойдаланишга топширамиз. 20 та технологик машина-ускунани модернизация қиламиз. Қуйиш цехини механизациялаш учун 4 та янги машина ўрнатиб, ишга туширамиз.

1,2 миллион киловатт-соат электр энергияни ва 1250 гигакалорий ва иссиқлик энергиясини тежаймиз. Рационализаторлик таклифларини жорий қилиш йўли билан йилига 500 минг сўмни иқтисод қиламиз.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан камида 1000 кишини иқтисодий таълимнинг ҳамма турларига жалб этамиз. 800 ишчининг малакасини оширамиз. 550 янги ишчига ишлаб чиқариш ва ёндош касбларни ўргатамиз.

Корхона фонди ҳисобига Иссиқкўлдаги пансионатнинг биринчи навбатини қуриб битказамиз, завод ошхоналари ва буфетларидаги ўринлар сонини кўпайтирамиз, пионер лагерини тағин ҳам обод қиламиз.

Пахта териш машиналарининг унумдорлигини ошириш, уларнинг бекор туришини қисқартириш мақсадида: завод ҳузурида ташкил этилган курсларда республикадаги колхоз ва совхозлар механизаторларидан 500 кишини ўқитиш ва малакасини ошириш мажбуриятини оламиз. Сирдарё область, Пахтакор районидаги ўз отлигимизда бўлган 26-совхозга доим техникавий ёрдам берамиз, шу билан бирга бу совхозда маданий-оқартув ишлари олиб борамиз. Тошкент область, Бўстонлик районидаги Карл Маркс номли сабзавотчилик колхозига оталиқ йўли билан ёрдам беришни давом эттираверамиз.

«Ташсельмаш» заводининг коллективи Днепропетровск комбайн заводи ва Тошкент трактор заводи коллективларини социалистик мусобақага чақиради.

«Ташсельмаш» заводи коллективининг ўз зиммасига олган мажбуриятларида бундай дейилади: «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматини ишонтириб айтамизки, ана шу социалистик мажбуриятларни бажариш ва КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳиссамизни кўшиш учун бутун куч-ғайратимиз, тажриба ва билимимизни сафарбар қиламиз».

Бу мажбуриятлар завод барча бўлинмалари коллективларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ПАРТИЯ даъвати билан

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ЛЕНИНСК ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1973 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Андижон область Ленинск пахта тозалаш заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги даъватига жавобан 1973 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилди:

— 1973 йилнинг кўкламига қадар юқори кондицияли уруғлик чигитни ўз вақтида зарур миқдорда тахт қилиб қўямиз.

— Пахта майдонларини чигит экишга тайёрлаш, чигит экиш ва ғўза парвариши вақтида, пахта териш кампанияси даврида пахта теримини ташкил этишда завод мутахассислари кучи билан қишлоқ хўжалигига амалий ёрдам берамиз.

— Янги пахта ҳосилини узлуксиз қабул қилиш учун 1 августга қадар қабул пунктлари, қуритиш тозалаш цехлари ва механизация воситаларини пухта тайёрлаб қўйишни таъминлаймиз.

— Хирмон учун янги майдонларни барпо этамиз, иккита тайёрлов пунктида «2 СБС» сушилка барабанларини ўрнатамиз.

— Ленин районидаги «Правда Востока» колхози билан «Минглар шартномаси» юзасидан мусобақани давом эттирамиз.

Социалистик мусобақани янада авж олдириш йўли билан маҳсулотни реализация қилиш планини 1973 йил 20 декабргача бажарамиз. Пландан ташқари 350 тонна тола ва 45 тонна линт тайёрлаймиз.

— Ташкилий-техникавий тадбирларни ва меҳнатни илмий ташкил этиш планларини амалга ошириш йўли билан меҳнат унумдорлигини планда белгиланганига нисбатан 1,4 процент оширамиз, асосий ишларни механизациялаш даражасини 90 процентга, ёрдамчи ишларни механизациялаш даражасини эса 65 процентга етказамиз.

— Маҳсулотнинг сифатини яхшилашга эришамиз ва нуқсонлари давлат стандартида кўзда тутилган нормадан кам бўлган тола ва линтни талайгина миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлаймиз.

— Беш йилликнинг учинчи йилида 50 тонна пахтани, жами 5 минг сўмлик ўроб материали, электр энергия ва ёқилғини тежаймиз. Маҳсулотнинг таннархини камайтириш натижасида 50 минг сўмлик маблағни иқтисод қиламиз ва пландан ташқари 100 минг сўмлик фойда берамиз.

— Йилига камида 40 минг сўмлик маблағни тежаш имконини берадиган 25 рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқамиз ва ишлаб чиқаришга жорий қиламиз.

— Заводнинг жамғармалари ҳисобига ошхона ва чойхона, шунингдек ётоқхона биносини қуриб битказамиз. «Полвонтош» посёлкаси атрофида ишчилар учун дам олиш зонасини ташкил этамиз. 24 квартирали уй-жой биносини қура бошлаймиз.

Биз республикадаги барча пахта тозалаш заводлари коллективларини беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан илгари бажаришга ва пахтачиликни янада юксалтиришда колхоз ҳамда совхоз меҳнаткашларига ёрдам беришга даъват этамиз.

Бу мажбуриятлар завод коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ҲОСИЛ ЗАМИНИ

Ҳозир маҳаллий ўғит ортган трактор ва автомобиль карвонлари республиканинг далаларга олиб борадиган қор босган йўлларда ҳаракат қилмоқда. Колхоз ва совхозлар беш йилликнинг учинчи йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин тайёрламоқдалар.

Республикамизда баҳори экинлар экиладиган майдонларга солиш учун бир миллион тонна органик ўғит тайёрланди ва далага чиқарилди. Бухоро областидаги хўжаликларнинг далаларига ҳозирдаёқ икки юз минг тонна ана шундай ўғит солинди. Механизаторлар ҳайдаладиган ерга ғўнгни девор тупроғига аралаштириб, баъзи районларда эса чўкинди билан аралаштириб солинди. Қорақўл, Ғиждувон ва бошқа районларнинг деҳқонлари кўклам фаслигача ҳар гектар ерга 18-20 тоннадан ана шундай аралашма солишни мўлжалламоқдалар. Органик аралашма тайёрлаш ва уни экин майдонларига ташиш учун хўжаликларда механизациялаштирилган отряддлар ташкил қилинди. Бу отряддлар ихтиёрида тракторлар, прицепар, юк ортадиган ва туширадиган механизмлар бор. (ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

Нукусда автоном республика идеология ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда район партия комитетларининг секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, турли муассасаларнинг раҳбарлари, матбуот ходимлари қатнашди.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов кенгашда нутқ сўзлади. У беш йиллик учинчи йилида Қорақалпоғистон халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапирди, идеология ходимларининг биринчи навбатдаги вазифаларини таърифлаб берди. (ЎзТАГ).

ОБКОМ ПЛЕНУМИ

ФАРҒОНА. («Совет Ўзбекистони» муҳбири). Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида КПСС XXIV съезди қарорлари асосида халқ маорифини янада ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳақда обком секретари А. Маҳмудов доклад қилди. Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

ҚИШЛОҚДА ҚИШКИ ЎҚУВ БОШЛАНДИ

Январь ойи Ўзбекистон қишлоқларида қишки ўқув давридир. Дала ва фермаларнинг меҳнатчилари асосий қишлоқ хўжалик ишларини тугаллаб, ўз билимларини бойитиш, малакаларини ошириш, янги касбларни эгаллаш учун ўқишга киришдилар. Сурхондарё, Фарғона ва Бухоро областларидаги совхоз ва колхозларда машғулотлар бошланди. Бу йил курсларда, мактабларда ва билим юртларида республиканинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун 200 мингдан кўпроқ йигит ва қизга турли касблар ўргатиш, шу жумладан юз минг механизатор тайёрлаш кўзда тутилади.

Хўжаликлар янги техника — тезюрар тракторлар, кенг қаторли пахта териш машиналари, кучли ғалла комбайнлари, такомиллаштирилган ускуналар, қишлоқ хўжалик қуролларини олмоқдалар. Қишлоқларда юксак механизациялаштирилган фермалар қуриш важ олдириб юборилган. омухта ем тайёрлайдиган йирик цехлар қурилмоқда. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ходимларнинг зўр тайёргарликка эга бўлиши, яхши техникавий билимларни эгаллаши талаб қилинади. 1973 йилги ўқув программасида экономикани ва илмий тавсиялар асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишни чуқур ўрганиш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Қишлоқ жойларида қишки мавсумда ўқув системасида лекциялар ўқиш учун Тошкент, Самарқанд, Андижон, Нукусдаги институтлар ва техникумлардаги ўқитувчилар, ҳунар-техника таълими билим юртларининг ўқитувчилари, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари, мўл ҳосил усталари, энг яхши механизаторлар жалб этилмоқда.

Қишлоқ жойларидаги ўқув шоҳобчалари бу йил дарслик, кўргазмали қуроллар билан таъминланди. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги буюртмаси билан тайёрланган махсус кинофильмлар келтирилди. «Узсельхозтехника» бирлашмаси эса амалий машғулотлар ўтказиш учун устахоналар, хўжаликлар эса дала, ферма ва машиналар ажратди. (ЎзТАГ).

«ИНҚИЛОБ ТОНГИ»

Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри К. Яшиннинг «Бухоро» пьесаси асосида ёзилган «Инқилоб тонги» спектаклининг премьераси билан янги, 1973 йилни бошлади. Ёзувчи яна революцион воқеаларга мурожаат қилди. У Туркистонда контрреволюциянинг сўнгги таянчи бўлган Бухоро амирлигининг емирилиши ҳақида ҳикоя қилади. Революция жангчилари тўғрисида, оташин ўзбек революционери Ф. Хўжаев ҳақидаги бу янги драматик асар СССРнинг 50 йиллигига бағишланган.

Ўзбекистон ССР халқ артисти А. Гинзбург билан СССР халқ артисти О. Хўжаев саҳнага қўйган бу спектаклда СССР халқ артистлари С. Эшонтўраева, Н. Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари С. Табибуллаев, З. Муҳаммаджонов, Ш. Қаюмов ва бошқа саҳна усталари қатнашадилар. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ё. Аҳмедов Ф. Хўжаев образини гавдалантиради. (ЎзТАГ).

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Колхозимиз чорвадорлари ўтган йилни муваффақиятли тугалладилар. Ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда қариб 2.600 килограммдан сут соғиб олдик. Нормурод Каримов мудирлик қилаётган иккинчи сут-товар фермасининг сут соғувчилари бундан ҳам яхшироқ кўрсаткичларга эришдилар. Бу фермада ҳар бош сигирдан 4.600 килограммдан сут соғиб олинди. Мен ўзим эса ҳар бош сигирдан 4.900 килограмм сут соғиб олдим.

Биз чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига кўшилиб, зиммамизга оширилган мажбуриятлар олдик. 1973 йилда колхоз бўйича ўрта ҳисобда ҳар бош сигирдан уч минг килограмм, бизнинг фермамизда эса тўрт минг килограммдан сут соғиб олишга карор қилинди.

Мустаҳкам озуқа базаси — муваффакият гаровидир. Хўжалигимиз чорвадорлари қиш мавсумида жамоат чорва моллари учун иссиқ жой ва етарли миқдорда озуқа тайёрлашди, барча иморатлар ремонт қилинди.

Муҳтарам ИСАЕВА,
Қашқадарё область, Қарши районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси.

ПОП РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ИЗДОШЛАРИ

МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

Ҳар бир хўжалик ўзининг беш йиллик планига эга Маҳсулот етиштириш бўйича беш йилга мўлжалланиб тузилган планларни тўрт йилда бажариш мусобақаси кун сайин авж оляпти. Поп районидаги Ленин ордени Ленин номли колхоз меҳнат аҳлининг бу борадаги ватанпарварлик ташаббуси диққатга сазовордир. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти хўжаликни 1971 — 1975 йилларда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган комплекс планини тузиб чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади.

Биз партия Марказий Комитетининг қарори ва колхознинг комплекс плани билан батафсил танишиб чиқдик ва уни тўла маъқуллаймиз. Совхозимиз асосан сабзавотчиликка ихтисослаштирилган айни кезда чорвачиликни ҳам тез тараққий эттирмоқдамиз.

1972 йилда давлатга 3.470 тонна сабзавот, 2133 тонна полиз маҳсулотлари, 729 тонна картошка етказиб бериб, йиллик планларни 118 процентга етказиб бажардик. Шуниси қувончлики, ҳар гектар ердан олинадиган маҳсулот миқдори кескин кўпайди, механизациядан кенг фойдаланиш туфайли таннархи арзонлашди, ҳосилнинг ҳаммасини қора совун тушгунча йиғиштириб олдик.

Коммунист Ҳакимжон Ҳошимов бригадаси 151 тонна картошка, 203 тонна сабзавот, 331 тонна ковун-тарвуз етиштирди. Бригадада ҳамласи бўлиб 18 киши ишлайди, улар ҳам машиналарни бошқаради. сувчилик қилади. Машиналарга таянилиш туфайли муттасил юқори ҳосил етиштиришга муваффак бўлиняпти. Хан Ха Дюн бригадаси машиналарга суяниб. фан ютуқлари, илғор тажрибаларни кенг қўлланиб 878 тонна пиёз, 425 тонна сабзи етказиб берди. Турсунбой Алимжонов, Абув Еримбетов бошчилик қилаётган бригадаларда ҳам сабзавот ва полиз экинларидан катта хирмон кўтарилди.

Ана шу илғор бригадаларимизнинг иш тажрибасини бутун совхозимиз коллективининг ҳаракатига айлантириш бош вазифамиздир. Биз маҳсулот етиштиришни кўпайтирмоқ учун нисбатан паст ҳосилли бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар даражасига кўтариш учун курашмоқдамиз. Мажид Мусаев бригадасида ҳар гектар ердан 30 тоннадан помидор олинди. Ваҳолонки, 20 тонналик маррада туриб қолган бригадалар ҳам йўқ эмас. Сабзавоткор деҳқонларимиз билан маслаҳатлашиб 1973 йилдан бошлаб ҳар гектар ердан 30 тоннадан помидор, 25 тоннадан сабзи ва пиёз олишга аҳд қилдик. Ҳосилдорликни ошириш маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда ҳал қилувчи омилдир. Тупроқ унумдорлигини ошириш уруғчилик ишларини яхшилаш йўли билан шунга эришамиз.

Маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг иккинчи омили экин майдонларини кенгайтиришдир. Совхозимиз қирлик ерга жойлашган. Яқин фурсатда 50 гектар адир ерни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз ўша ерга насослар орқали сув чиқариб деҳқончилик қиламиз. Ҳозир мутахассисларимиз бу борада қизғин иш олиб боряпти.

Пахтакор хўжаликларда алмашлаб экишнинг кенг кўламда жорий этилиши яхши самара беряпти. Бу усулни сабзавотчиликка ҳам қўллаш керак. Совхозимиз шароитида бодиринг, карам кутилганча ҳосил бермаяпти. Лекин полиз, картошка, помидоридан кутилгандан эиёд хирмон кўтариляпти. Бунинг сабаблари ўрганиб чиқиляпти, бодиринг, карамнинг районлаштирилган, турли касалликларга бардошкор, эртапишар навларини экиш, айниқса уруғчилик ишини яхшилашга алоҳида аҳамият бериляпти. Бундан чиқадиган хулоса шуки, экинларни тўғри жойлаштириш, ҳар қарич ердан маълум мақсадни кўзлаб фойдаланиш бошқа соҳаларда бўлгани каби, сабзавот етиштиришни кўпайтиришда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Совхозимиз бўйича дала ишлари тобора кўпроқ машиналашмоқда. Шу мақсадда кўплаб тракторлар, юк машиналари, тележкалар ва бошқа маркадаги техника воситалари карид қилинмоқда. уларнинг қувватидан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозир саккизта ер ҳайдаш, саккизта чопиқ тракторига эгамиз. Ўн олтита юк машинамиз бор. Ўн тўртта тележкада маҳсулот ташилади. Ленин номли колхоз аъзолари айтганидек автотрактор паркини кенгайтириб бориш керак.

Совхозимизда механизаторлар ҳал қилувчи кучга айланди. Улар ҳамма оғир ишларни механизмлар воситасида бажаряпти. Ишига яраша кўп ҳақ олиб, яхши ҳаёт кечиряпти. Совхозимиз бўйича бир ишчининг ойлик иш ҳақи 110 сўмни ташкил этаётган бўлса, механизаторларнинг иш ҳақи 150 сўмдан ошиб кетди. Ҳамма ишчиларимиз ўз томорқаси, чорва молларига эга. Мансўр Абибуллаев, Ориф Каримов, Қаюм Тўлбоев каби механизаторларимиз фидокорона меҳнатлари билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Хўжалик йилини яхши кўрсаткичлар билан якунладик. Лекин 1973 йилда олдимизда янада улкан вазифалар турганини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Келаси йил мўл ҳосилига тайёргарлик ишларини кучайтирмоқдамиз.

С. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Калинин районидаги «Москва» совхозининг директори.
З. САЛОХИТДИНОВ,
Шу совхознинг бош агрономи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҲАВО КЕМАСИНИ ОЛИБ ҚОЧГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

Ички ва халқаро йўлларда учиш хавфсизлигини ошириш, ҳаво кемалари пассажирлари ҳамда экипаж аъзоларининг ҳаёти ва саломатлигини кўриклашни кучайтириш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми **карор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, ерда турган ёки учиб бораётган ҳаво кемасини олиб қочиш, —

Уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ерда турган ёки учиб бораётган ҳаво кемасини олиб қочиш ёки шундай кемани олиб қочиш мақсадида эгаллаб олиш, зўрлик ёки зўравонлик ишлатилган ҳолда қилинса, ёхуд ҳаво кемасининг авария бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

Мол-мулкини мусодара қилиб, ёки қилмасдан беш йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўзда тутилган ҳаракатлар, агар одамларнинг ҳалокатига сабаб бўлса ёки оғир тан жароҳатлари етказса,—

Мол-мулкини мусодара қилиб, саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки мол-мулкини мусодара қилиб, ўлим жазоси билан жазоланади.

2. Ушбу фармоннинг 1-моддасида кўзда тутилган жиноятларни аввалдан келишиб олмасдан яшириш, — беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади.

3. Ушбу фармоннинг 1- моддасида кўзда тутилган жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлигини ва жиноят қилинганлигини била туриб хабар қилмаслик, —

Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади.

4. Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларига ушбу фармонга мувофиқ иттифоқдош республикалар қонунларига зарур қўшимчалар киритиш тавсия этилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1973 йил, 3 январь.

Республикамизнинг илғор саноат корхоналари қатори Чирчиқ электрохимия комбинатининг сергайрат коллективи ҳам тўққизинчи бешйиллигининг учинчи йилини қутлуғ одимлар билан бошлашди. Айни кунларда комбинат февраль ойи ҳисобига иш бажаряпти. Суратда: марказий ремонт цехининг жонкуяр ишчилари (чапдан) М. Уринов, В. Ефимов, Н. Васильев, Ш. Очилов ва М. Қаҳҳоровлар цехнинг квартал план топшириқлари билан танишмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

Партия турмуши

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети кейинги вақтларда чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган бир қанча энг муҳим қарорлар қабул қилдилар. Бу қарорлар КПСС XXIV съезди талабларига мувофиқ равишда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни янада кўпайтириш учун катта истиқболлар очиб бермоқда.

Бухоро область партия комитети коммунистларнинг ғайрат-ташаббусини ошира бориб, зарбдор соҳа чорвачиликни ривожлантиришда муайян ишлар қилди. Чорвачиликни ихтисослаштириш ва уни саноат асосига ўтказиш кенг авж олдириб юборилди. Сўнгги икки йилда бу соҳага 19 миллион сўм капитал маблағ сарфланди.

Область колхоз, совхозларида йирик сутчилик ва гўштчилик комплекслари барпо этилянти. Чорвачилик бинолари, улкан металл конструкциялар қўралар қуришни кенгайтиришда катта силжишлар бўлди. Бу соҳада Навоий, Зарафшон шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари чорвадорларга қиндан оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар. Шундай қилиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда чорвачилик комплексларининг ва паррандачилик фабрикаларининг роли мутлақо ортиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида» ги қарорида қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш вазифаси қўйилган. Бу муҳим сиёсий ҳужжат ҳозирги вақтда район партия комитетлари, колхоз, совхоз бошланғич партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Жойларда чорва қишловини ующқоқлик билан ўтказиш учун махсус зарбдор бригадалар тузилмоқда. Энг яхши коммунистлар, тажрибали мутахассислар чорвачилик фермаларига юборилмоқда.

Областимиз чорвадорлари Коммунистик партия, Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб беришга интилмоқдалар. Чорва моллари учун озуқабоп экинлар майдони кенгайтирилмоқда. Юбилей йилида беда-поялар, маккажўхори сингари экинлар майдони 41,5 минг гектарни ташкил этди. Бу 1971 йилдагидан 2,7 минг гектар кўпдир. Ғиждувон районидаги «Коммунизм», «Булистон», Қоракўл районидаги «Октябрь», Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги», Конимех районидаги «Шўрқўл» каби хўжаликларда беда, маккажўхоридан мўл-кўл озуқа жамгарилди. Областда дағал хашак тўплаш топшириғи анча ошириб бажарилди. Шу кеча-кундузда коммунист ва комсомол-ёшларнинг бутун диққат-эътибори ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланиш, чорва туёғини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб парваришлашга қаратилган.

Бухоро — қадимдан қоракўлчилик ватани бўлган. Қоракўл қўйлари областда етиштирилаётган гўштнинг ярмидан кўпини, умуман чорвачиликдан олинаётган даромаднинг 65 процентини беради. Ўтган беш йиллиқда 81,1 минг тонна қўй гўшти, 20,4 минг тонна жун, кўп миқдорда қоракўл тери тайёрланганлиги бунинг ёркин далилидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: «Қўйчиликка муносабатни тубдан ўзгартирмоқ керак. Бу тармоққа мустаҳкам негиз яратиб бериш, унга капитал маблағлар, техника, қурилиш материаллари ажратиб бериш, чўпонларни, қўйчиликда ишлаб турган ходимларнинг ҳаммасини ардоқлаб, уларга ҳар доим ғамхўрлик қилиш зарур». Бу сатрларда Коммунистик партия чорвадорларга оталарча меҳрибонлик, ғамхўрлик қилаётганн яққол кўриниб турибди.

Область қоракўлчилари партия ташкилотлари раҳбарлигида қоракўлчиликни ривожлантириш учун астойдил курашмоқдалар. Юбилей йилида ҳар юз бош совлиқдан 118 тадан соғлом қўзи олинди. Пландаги 393 минг бош ўрнига 415 минг бош қўзи ўстириш учун қолдирилди. Шу кунларда ёш қўзилар алоҳида эътибор билан парвариш қилинаётир. Бу масъулиятли вазифани уддалаш — коммунистларга, тажрибакор чўпонларга ишониб топширилган.

Томди районидаги «Томди» совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXIV съезди делегати Қ. Абдурахмонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Н.Давлетов, Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Конимех» наслчилик заводидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Кузембаев, «Коммунизм» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Алпамисов, Томди районидаги Ленин номли колхозданА. Нисанбаев каби чорвадорларнинг номларини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхози бошланғич партия ташкилоти теварагига 150 коммунист уюшган. Бу ердаги 6 та фермаларнинг ҳаммасида бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқига эга бўлган цех партия ташкилотлари ишлаб турипти. Бу тадбир совхоз партия ташкилотига барча ферма ва отарлардаги ишларга партиявий таъсир кўрсатиш имконини бермоқда. Томди районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилоти ҳисобидаги коммунистларнинг ҳар қайсиси ўзи яшаб, меҳнат қилаётган участкада маълум партия топшириғига эга. Хўжалик партия ташкилоти ўз йиғилишларида КПСС аъзоси партия топшириқларини қандай бажараётгани тўғрисидаги ҳисоботини эшитиб туради.

Конимех районидаги «Коммунизм», «Шофиркон», «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозлари партия ташкилотлари олиб бораётган партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар ҳам диққатга сазовордир. Мазкур хўжаликларда чорва туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш юзасидан социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажариб келинаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Коммунистик партия, совет давлатининг ғамхўрлиги туфайли кейинги йилларда Қизилқумдаги қоракўлчилик хўжаликлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Саҳродаги хўжаликларни бир-бири билан боғловчи 1000 километрли халқа йўли қуриб битказилди. Томди райони маркази шаҳар типида қайта қурилди. Бу ерда чўпонлар учун зарур бўлган барча шароитлар яратиб берилди.

Бухоро область партия комитети барча район партия комитетлари, колхоз, совхоз бошланғич партия ташкилотларининг диққат-эътиборини КПСС XXIV съезди қарорлари асосида чорвачиликни комплекс ривожлантиришга қаратиб келмоқда. Бу соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, кўпайтириш юзасидан муҳим тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. 1972—1973 йил қиш фаслида чорва моллари маҳсулдорлигини кўпайтириш мақсадида область партия комитети ва область ижроия комитетининг пешқадам хўжаликлар, районларга бериш учун кўчма Қизил байроқлари таъсис этилди.

Бухоро областида чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари катта. Биз тўққизинчи беш йиллик охирига борибўрдоқичилик хўжаликларидаги қорамоллар сонини 30 минг бошга етказамиз, қўй-эчкилар туёғини 2 миллион 100 минг бошга кўпайтирамиз. Саҳро ва ярим саҳро яйловларнинг унумдорлигини оширамиз. Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаймиз.

Андижон область чорвадорларининг қимматли ташаббуси ҳозирги вақтда барча бошланғич партия ташкилотларида кенг ўрганилмоқда.

Чорвачилик — зарбдор фронт. Барча партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг диққат-эътибори халқимизнинг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришга қаратилади.

В. ПЕТРОВ,
Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари.

СССР—БУЮК ОИЛА

ТАҚРИЗ

Коммунистик партия раҳбарлигида, халқларнинг ўз хоҳиш-иродаси билан ягона қудратли Иттифоққа бирлашуви натижасида барпо этилган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи дунёда энг йирик кўп миллатли давлатдир. Унинг территориясида 100 дан ортиқ тенг ҳуқуқли миллатлар ва элатлар яшамоқдалар ва актив равишда коммунизм қурмоқдалар.

Озод миллатларнинг эркин иттифоқи бўлган СССРни барпо этиш ғоясини буюк В. И. Ленин илгари сурди. Совет Иттифоқи барпо этилган ва ривож топган давр кўп миллатли мамлакат шароитида ўзаро миллий мунозабатлар ва давлат қурилиши проблемаларини энг оқилона ҳал қилиш намунаси бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорида Совет Иттифоқининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти, унинг муваффақиятлари ва ютуқлари, миллий масала бўйича марксча-ленинча таълимотнинг голибона ҳаётий кучи ёркин характерлаб берилган. Шунинг учун ССР Иттифоқининг ташкил этилиши ва ривожланишини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу жиҳатдан қараганда буюк Иттифоқимизнинг 50 йиллик байрами нишонланиш арафасида «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган «СССР — совет халқларининг социалистик давлати»*) китоби муҳим аҳамиятга эга. Китоб муаллифлари бўлмиш профессор А. Аъзамхўжаев ва Ш. Ўрозаев социалистик давлат, пролетариат диктатураси, миллий масала тўғрисидаги таълимотни чуқур таҳлил қилганлар, бу масалаларни Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ва ундан кейинги марксча-ленинча таълимот билан узвий боғлаганлар.

Масалани шу тариқа тадқиқ қилиш Ленин ғояларининг моҳиятини, ривожланиши ва муайян мақсадга қаратилганлигини анча тўла очиб беришга имкон беради. Бунинг натижасида авторлар қатор назарий тадқиқлар ва фикрлар баён қилганлар.

Асарда СССРнинг ташкил этилиши ва ривожланиши масаласи батафсил таҳлил қилинган, Совет федерациясига таалуқли кўпгина назарий проблемалар ёритилган. Шунисқ диққатга сазоворки, Ўрта Осиё халқларининг капиталистик тараққиёт йўлидан ривожланишида совет Россиясининг ёрдами фактик масалалар асосида таҳлил қилинган. Туркистон АССР. Бухоро ва Хоразм Совет республикаларининг давлат-ҳуқуқий аҳволи яхши ёритилган. Ўрта Осиё халқларининг Совет Россияси билан яқиндан иттифоқ тузиши ҳаётий талаб эди. Чунки бу вақтда ё Россия билан бирлашиб, капиталистик тараққиёт, социализм қурилиши йўлига кириш, ёки Россиядан ажралиб, ўзни муқаррар равишда ҳалокатга, зулматга, қашшоқликка маҳкум этиб, капитализмгача бўлган шароитда қолиб кетиш масаласи турарди. Ўрта Осиё халқлари ҳеч иккиланмай, дадиллик билан капиталистик тараққиёт йўлини танладилар.

Китобда биринчи совет социалистик кўп миллатли давлатлар — РСФСР, СССР ташкил этилишининг муҳим томонлари ва жараёнлари, шунингдек, Ўрта Осиёда суверен совет республикаларининг барпо этилиши, уларнинг СССР составига кириши ва янада ривожланиши батафсил баён этилган.

СССРнинг ташкил этилиши Совет Иттифоқи халқлари ва бутун прогрессив инсоният тақдирида жуда катта роль ўйнаганлиги алоҳида таъкидланган. Монографияда социалистик воқелигимизни бузиб кўрсатишга ўринган ва уринаётган буржуа сохталаштирувчиларига қарши муносиб жавоб берилган.

Изчиллик билан ва яланғ асосда таҳлил қилинган масалалардан яна бири — иттифоқчи республикалардаги миллий-давлат қурилиши ҳамда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бу борада кўрган тадбирлари масаласидир. Бу ўринда иттифоқчи республикаларнинг СССР составидаги ҳуқуқий мавқеи, улар суверенитетининг мустаҳкамланиши ва ҳуқуқларининг кенгайиши батафсил баён қилинган. Китобда бундай дейилади: «Иттифоқчи республика Совет Иттифоқининг таркибий қисмидир. Шу билан бирга у, суверен совет социалистик давлатининг ҳамма тўла ҳуқуқларига эгадир. СССРдаги барча элатлар меҳнаткашларининг манфаатларини ва ҳар бир миллатнинг манфаатларини органик уйғунлаштириш пролетар интернационализм принципларига, барча меҳнаткашлар синфий манфаатларининг муштараклигига, мамлакатимиздаги ягона ҳукмрон социалистик идеологияга асосланади». (245-бет).

Монографиянинг ижодий характери, фактик материаллар ва улардан келиб чиқадиган хулоса ҳамда таклифлар қимматли бўлиб, у СССРда миллий-давлат қурилиши проблемаларини ишлаб чиқишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, деб айтишимиз учун тўла асос бўлаолади. Бу жиддий тадқиқот сиёсий-назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқшунослик адабиётини янада тўлдиради.

Б. САМАРХЎЖАЕВ,
доцент.

*** А. Аъзамхўжаев, Ш. Ўрозаев. СССР — совет халқларининг социалистик давлати. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент, 1972 йил (рус тилида).**

Тошкент политехника институти ва унинг Ўзбекистон шаҳарларидаги филиалларида минглаб студентлар таҳсил олмоқда. Улар ихтиёрига замонавий янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган аудитория, кабинет ва лабораториялар берилгани ҳақида ёзилган. Суратда: геология факультетининг I курс студентларидан С. Маҳаматов ва Н. Чебулиналар лабораторий машғулотида.

И. Глауберзон фотоси.

АХБОРОТ

СИРДАРЁ

УЙСОЗЛИК ЗАВОДИ

Бахт посёлкасидаги қурилиш материаллари комбинати ёнида янги уйсозлик заводининг корпуслари монтаж қилинмоқда. Бу корхонада бир ва тўққиз қаватли уйларнинг девор, том ва айвонлари, умуман уй-жой қурилишига зарур бўлган ҳамма қисмлар тайёрланади. Керамзит-бетон панель ва қисмлардан тайёрланадиган уйлар темир-бетон плиталардан қуриладиганига нисбатан анча енгил, чиройли ва мустаҳкам бўлади. Заводда тайёрланган материаллардан бир йилда 27 минг квадрат метр уй-жой қурилади. Сирдарё, Ворошилов ва Боёвут районларининг колхоз қишлоқларида шу йилнинг дастлабки ойларидаёқ шу завод панелларидан юзлаб кўркам бинолар қад кўтаради.

ИҚТИСОДЧИЛАР МАКТАБИ

Боёвут район партия комитети ҳузурида иқтисодий таҳлил тўғараги иш бошлади. Район қишлоқ хўжалик бошқармасининг иқтисодчиси Шерқул Давронов мудирлик қилаётган кабинет жуда яхши жиҳозланган. Унлаб диаграммаларда район хўжалигининг ҳамма тармоқлари пухта анализ қилиб берилган.

ГУЛИСТОННИНГ ЯНГИ ҚАНОТИ

Ўзбекистон шаҳар қурилишларини лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти мутахассислари Гулистон шаҳрининг 4-микрорайони лойиҳасини тузишга киришдилар. Микрорайон ўрнида геология-текширув ишлари ниҳоясига етказилди. Сизот сувлари ер юзасига яқинлиги ҳисобга олиниб, бу ерда асосан тўрт-беш қаватли уйлар қуриш мақбул топилди.

Шаҳарнинг 2-ва 3-микрорайонларидаги бинолар асосан Тошкент уйсозлик комбинати материалларидан қурилган эди. Шаҳарнинг янги қаноти — 4-микрорайон эса Гулистонда тайёрланаётган уйсозлик корхоналари материалларидан бунёд этилади.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЙЛАР, ОДАМЛАР

УЧ АВЛОД ОНАСИ

Файзнок оқшомларнинг бирида радио тинглаб ўтирган момо негадир жилмайиб қўйди. Невара, чевара, эвараларининг сон-саноғига етолмай қолган бувининг қалбида бир фикр тугён урди. Эллик ёшга тўлган Советлар Ватанининг бир бахтли граждани, юрт онахони бўлганидан фахрланиб кетди.

Башорат буви набираси Озодахонни чақирди:

— Болам, гапимга қулоқ сол. — Советлар юртини мурғак болалигидан биламан. Мен унинг ҳар бир одимига, ҳар бир зафарига, қурашига гувоҳман. Улғай берсин. Лекин шундай қутлуғ айёмларда менинг ҳам айтадиган гапларим бор. Қимгадир сўзлагим, қувончларимни баҳам кўргим келади.

Не бахтки, биз 100 ёшли момонинг суҳбатини тинглашга муяссар бўлдик... Қувончларига шерик бўлдик.

Орконикидзе районидаги Ленин номли колхозда истиқомат қилувчи Башорат буви хонадонига кириб бордик. Баланд пештоқли пешайвон зиналаридан оппоқ рўмолга ўралган момо тушиб келдилар. Қўлларида асо кўринмайди. Кўзларига кўзойнак ҳам тақмаган. Момо бизни бағриларига босиб кўришди. Хушбўй атр ҳиди димоғимизга урилди. Момо бизни ичкарига бошлаб кирдилар, ўтирдик. У дуога қўлларини очди:

— Давлатимиз, юртимиз кам бўлмасин!..

Ростини айтсам, момога завқланиб тикилиб қолдим.

Қулоқларида қадимий ойболдоқ, бармоқларида узук. Бу менга зийнат бўлиб эмас, завқ, ҳавас, умр боқийлик бўлиб кўринди. Аслида ҳам шундай эди. Момо мункайган камир, паришонхотир, бемадордир, — деб хато ўйлаган эканман. Бутунлай аксини кўрдим. Кўзларида нур, лабларида кулги аримайди.

— Кексалар охиратдан кўпроқ сўзлайдиган бўлиб қолишади, — дейишарди менга. Башорат буви эса ҳали эвара куёв, келин кўраман, тўйларига кўрпа-тўшакни ўзим қавиб бераман, — деган оразуда ўтиришдилар. Бу ҳам майли-я. У бу йилгидек келаси йил ҳам колхоздан қурт уруғи олиб, пилла тутиш ниятларини айтиб, режалар тузиб юрибдилар.

Ўзбекнинг таомили шундай. Меҳмон азиз. Мезбон лутф-карамли. Мен момога меҳмон бўлганимдан, очиғи, ҳиҳолат чекдим. Негаки, у менга чой қуйиб узатар, ўзи чекичлаган юмшоқ нонлардан ушатиб, ейишга кистардилар... Момонинг ширин сўзлари-чи...

Момо бир асрлик умр йўлини босиб келаётган, хотираси ажиб-ажиб ҳикояларга бой табаррук инсон. Бу ҳикоялар уч авлоднинг ишлари, қурашлари, орзу-умидларига бориб тақалади. У ўзи ҳонлар, беклар, зулмкорлар замонини кўрди... Эҳа, ҳарамлар, чоҳлар, бахт изларини кечагидай ёдида. Момо биринчи бўлиб паранжи ташлаганлардан. Октябрь тонгида ҳуррият биринчи бўлиб қарши олган. Биринчи бўлиб Шўролар ҳукумати учун ерга дон қадаган. Октябрь учун, унинг ғалабаси учун курашган авлод вакили. У революция душманларини бартараф этган авлод онаси. Оловли йилларни кўрди, суронли йўллардан ўтди.

Башорат буви Октябрга пойдевор қурганлар, унинг ғалабаси, боқий умри учун тер тўкканлар сафида ҳам бор. Тўғри у олим ҳам, қурувчи ҳам, инженер ҳам эмас. У оддий кетмончи, колхозчи аёл. Совет тузумининг бахтли қошонасида пири-бадавлат бўлиб яшаяпти. Фарзандлари, набиралари, эваралари эстафетани қабул қилиб олиб, колхоз ишида ишладилар. Колхоз тузумини мустаҳкамлаш учун тер тўкдилар. Улар қўлидан эстафетани қабул қилиб олган бувининг невара-эваралари эса ҳозир коммунизмнинг пойдеворини қуряптилар.

Башорат бувилар сулоласини колхозчилар, деҳқонлар сулоласи десак адашмаймиз. Негаки, момонинг қатор ўғил-қизлари колхоз тузумида ишлаб, донг таратиб пенсияга чиқдилар. Невара-эваларининг кўпи ҳозир ҳам колхоз иши билан банд. Улар агроном, селекционер, бухгалтер ёрдамчиси, бригадир, теримчи, раис, ўқитувчи, сабзавоткор, ғаллакор пиллачи... Зурёдларнинг сони юзга яқин. Элга манзур ва машҳур «Юсупов» помидор навини яратган селекционер Карим Юсупов ҳам момо зурёдларидан. Дастурхон устида гапириб қолишди:

— Момо фарзандларникида ақалли бир-икки кундан меҳмон бўлиш учун умрининг бир йилини сарф этиши керак. Фарзандлари эса габаррук момони уйларига олиб кетиш учун йиллаб навбат кутадилар.

Турналар арғимчоғини ёзиб, осмонни тўлдириб қуйлаб ўтдилар. Боғнра табиатда баҳор қулф урарди. Ариқлар лабида ялпиз теріб юрган аёл завқданми, сурурданми энтиқиб осмонга қаради. Турналар... Қадамингиз хуш келсин, даламизда ҳосил мўл бўлсин. Турналарнинг қўшиғи ҳам, арғимчоғи ҳам хайрли бўлди. Шу баҳор Ялонгоҳда янги колхоз ташкил топди. Башорат буви колхознинг илк қалдирғоч аъзосигина эмас, ташкилотчиси ҳам эди. У аёлларни колхоз ишига жалб этиш ишини ўз зиммасига олди. Ҳадемай, Ғарбунов номига қўйилган колхоз янги ерларни ўзлаштиришга киришди.

Колхознинг дастлабки фаолияти, ер ўзлаштиришдаги қийинчиликларни Башорат буви шундай ҳикоя қилиб берди: Ялонгоч деганларича ҳам бор экан, бирор жилдираган ариқ, бирор бир мевали дарахт кўринмасди. Ҳаммаёқ тиконли янтоқ.

Кун бўйи янтоқларни юлардик, тўпланган янтоқни орқалаб узоқ жойларга элтиб ташлардик. Ва ариқ бор, ва ўлов. Кечаси билан ўринда ётолмай, ағдарилиб чиқардик. Тахминан ўн-ўн беш чақирим йўл босиб ишга борар, яна изимга қайтардим. Ўша пайтлар орзу қилардим. Худди эртакдагидай ойнаванд уйлар бўлса-ю, истаган жойингизга элтиб қўйса,— дердим. Ҳозирчи, ўғил-қиз, невара, эваларимникига борганимда қўча тўла ойнавандли уйларнинг у ёқ-бу ёққа юриб турганини кўраман. (Буви трамвайларни айтаётир).

Башорат буви колхозда янги ер очилишидан тортиб, унинг сердаромад хўжаликка айланган пайтига қадар ишлади. Кетмон ушлаб ер чопди, картошка, лавлаги экди, ўзи йиғиб олди. Пилла етиштирди. Хўжалик йириклашиб, кўп тармоқли колхозга айланди. Ўша пайтларда қамишдан капа ясаб янка хўжалик бўлиб қўчиб келган Башоратбибига колхоз данғиллама уй-жой қуриб берди.

Момонинг катта ўғли Комилжон Улуғ Ватан урушида Ленинград остонасида ҳалок бўлди. Она ҳамон уни эслаб кўз ёши қилади. Иккинчи ўғли — Абзал ака совхозда қирқ йиллар чамаси бригадирлик қилди. Ҳозир пенсияда. Учинчи ўғли — Шокир ака заводда ишчиларга устоз. У ҳам пенсияда. Лекин завод ҳаётидан ажралган эмас. Ҳар куни у одатдагидай ишга қатнайди, ишчиларга билим, ҳунар ўргатади. Тўртинчи ўғли — Умар ака ҳам колхозда пенсияга узатилди. Қизи—Ҳури опа ҳам шу Ленин номли колхозда 40 йилдан буён ишлаб келади. У хотин-қизлар Советининг раиси, район Советига депутат, Невараси Зоҳид Солиҳов ҳам район Совети депутати, темир йўл инженери.

Озодахон Шукурова эса халқ маорифи аълочиси, мактаб илмий бўлим мудири. У ҳам район Советининг депутати. Абдуманноб — бинокор, қурувчи, Юнусободдаги кўп қаватли биноларни қураётганлар орасида Абдуманнобни ҳурмат билан тилга олишади.

Ҳар байрам тонгида келтирилган гулдасталар, совға-саломлар бахтли замоннинг бахтли момосига бўлган ҳурмат, эҳтиром рамзидир. Момонинг меҳр тафтидан, тарбиясидан баҳра олиб эл-юртга, ажойиб асримизга муносиб бўлиб етишган ўғил-қизлар, невараларнинг ажойиб ишлари, ихтиролари ҳақида алоҳида қисса, лавҳалар ёзса арзийди.

— Тушингиз ўзингизникими? — деб сўрайман момодан.

— Ҳа, ўзимники, бодам. Ўтган йили 99 ёшга тўлганимда янгидан чиқди булар. Момо мени яна бағрига босди. Яна муаттар атир ҳиди димоғимга урилди. Мен атр ҳидидан эмас, 100 ёшли момо бағрида эканимдан маст, масрур эдим.

Эътибор ОХУНОВА

АЧИНМАЙСИЗМИ?

Аҳил-иноқлик, тартиб-интизом бўшашган, ускуналар ишдан чиқа бошлаган... Бундай корхонада қандай қилиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин! Биз хат юзасидан нон комбинатига йўл олдик.

...Ланг очиқ дарвозадан тўғри кириб кетавердик. Ортимиздан қоп ва кастрюль кўтарган эркак ва аёл ҳам ичкари кирди. Бизлардан ҳам, улардан ҳам ҳеч ким ҳужжат сўрамади. Қизариб пишган тўртта нонни сумкасига яшириб, чиқиб кетаётган ўрта яшар аёлни тўхтатдик:

— Нонларни қаёққа олиб кетяпсиз?

— Ишингиз нима?! Қаёққа бўларди. уйга-да!

— Заводдан рухсатсиз нон олиб чиқиш мумкинми?

— Ким ман этган? Директорми?! Хи-хи!.. — кулди у сўнг қўшиб қўйди. — Билмасангиз эшитинг! «Тегирмонга кирсанг, ғард юқди» деган гап бор. Биз ҳ м оз-моздан «ғард юқди» қилиб турамиз-да.

— Фамилиянгизни билсак бўладими?

— О-ҳо, яна нимани истайсиз? — аёл сумкасини ўйнатиб дарвозадан чиқиб кетди. Ҳеч ким унинг «мушугини пишт» демади.

Бестарка цехидан ўтиб, кенг ҳовли саҳнига чиқдик. Қаршимиздан зуваласи пишиқ, вазмин одим ташлаб бир киши чиқди. Таништдик. Смена мастери Абдуғаффор Раҳимжонов экан.

— Хуш келибсиз, — деди у сал безовталик билан. — Планни бажаряпмиз. Ишимиз ҳам чакки эмас. Корхонамиз янги, замонавий. Нон чиқариш жараёнлари автоматлашган.

— Бўлмаса, майдонда уюлиб ётган нарсалар темир-терсакми?

— Нафаснингизни иссиқроқ қилинг, биродар. Темир-терсак деганингиз нимаси! Олтин баҳода сотиб олинган қимматли ускуналар-ку!

— Нега бўлмаса очиқ ҳавога ташлаб қўйибсизлар?

У жавоб бера олмади.

— Энди цехларни айлансак, — дедик Раҳимжоновга. У ниминдир излагандек, ён атрофига аланглаб жавоб берди. — Цехда нимани ҳам кўрарингиз. Печлар ишлаяпти, нонлар чиқяпти. Яхшиси, маъмурий корпусга чиқайлик. Директоримиз Адҳам ана Рустамов шу ердалар. У киши билан суҳбатлашсангиз, кўнгина яхши фактлар оласиз.

Шу пайт технолог Маҳкамбой Файзиев келиб, цехда иш чатоқлашганини айтди:

— Иккинчи печда зоғарасимон нонлар нуқул брак чиқяпти. Шўйлар бувуқ, пулат ишдан чиққан. Брак нонларни қўйишга жой тополмаяпмиз. Нима қилайлик?

Абдуғаффор Раҳимжоновнинг жаҳли чиқди.

— Бу гапни шу ерда айтадими?

Цехга кирдик. Уванлиги қариб 30 метр, бир неча-кундузда 20—25 тонна нон чиқариш қувватига эга бўлган автомат печдан катта-кичик, оқарган-қорайган нонлар қайнаб чиқар, ишчиларнинг бақириқ-чақириқлари қулоқни қоматга келтирарди. Хирмон-хирмон брак нонларни кўриб, ҳушимиз учди. Экспедитор аёл бир даста актларни кўтариб келди:

— Магазинларга машиналаб нон жўнатяпмиз, қабул қилмай қайтариб юборишяпти. Нонларимиз увол бўляпти. Нима қилайлик. Бирор чорасини айтинглар?!

Цех айландик. Биринчи технологик линия май ойидан бери тўхтаб турибди экан. Шчит қисмлари очиқ-сочиқ ётибди. Хамиртуруш қорувчи агрегатнинг занжирлари узилган. Редукторларни, хамир ёпиштириш конвейерини, дозировка аппаратини занг босган. Зувала қилувчи агрегатнинг мотори олиб ташланган, хамир бўлувчи машина эса ўрнатилган жойида умуман йўқ.

Учинчи линия батамом ишламайди. Бунинг сабабини суриштирганимизда, линиянинг муҳим ускуналари бирин-кетин олиниб, бошқа линияларга ўрнатилган экан. Фақат тўртинчи технологик линия қўнгилдагидек маҳсулот бериб турибди.

Корхона бош бухгалтери Надежда Соколованинг тан олишича, 1972 йилнинг июнь ойидан бери 60 тоннадан зиёд нон бран қилинган.

Директор Адҳам Рустамовни кабинетида учратдик.

— Мен раҳбарлик қилаётган комбинат устидан редакцияга шикоят ёзишга ким жўръат этди экан?

— Сизнингча, маҳсулот сифатини яхшилаш, ускуналардан самарали фойдаланиш нималарга боғлиқ? — сўрадик директордан. У бармоқларини букиб санади.

— Комбинатимиз ёнидан қатнайдиган 20-автобус ҳаракатини йўлга қўйиш, асосий цехимизда ишлайдиганларнинг бўш қолган ўринларини тўлдириш, янги ускуна ва қисмлар харид қилиш керак.

— Комбинатга директор этиб тайинланганингиздан буён ўтган беш-олти ойда қанча ишчи, хизматчи бўшаб кетди?

— Юздан ошар-ошмас! — жавоб қилди Адҳам Рустамов.

Тошкентдаги иккинчи нон комбинатида кўрган-билганларимиз тафсилотини шу ерда якунлаб, бундан тегишли хулоса чиқаришни, азиз ва мўътабар нон исроф ва брак этилаётганига қарши чора кўришни Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигидаги масъул ўртоқлар диққатига ҳавола қиламиз.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИР ХАТ ИЗИДАН

Ҳурматли редакция! Газетада босилган «Нонимиз ҳаммага манзурми?» сарлавҳали мақолада жуда тўғри, ҳамманинг дилидаги масала кўтарилган. Шу муносабат билан биз ҳам сиздан кўмак ва мадад сўраб, ушбу хатни йўллаяпмиз. Корхонамиздаги ускуналар носоз: Коллективда аҳиллик йўқ. Печлардан чиқаётган брак нонларни кўриб, юрагимиз ачийди. Комбинатимиз раҳбарлари эса арзимизни тинглаш ўрнига, жаҳл қилиб, ўшқириб беришади. Нақотки, корхонани изга солиш, тартиб ўрнатиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлмаса?.. Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 2-нон комбинатининг экспедиторлари Ж. Григорьева, В. Борцова, операторлар Т. Раҳмонқулов, Ҳ. Ирисбоев, технолог М. Файзиев, мастер М. Мустафоқулов, ишлаб чиқариш мудири С. Акромова, мастер У. Холмуҳамедов ва бошқалар.

ЯНГИ УСЛУБ АСОСИДА

СОВЕТ ХОДИМИ МИНБАРИ

Турмуш куни сайин олдимизга бир-биридан муҳим вазифаларни қўйяпти. Бинобарин, бу ҳаёт қонуниятидир. Ана шу катта-кичик проблемаларни ижобий ҳал этиш, хўжаликнинг ҳамма тармоқларида самарали иш олиб бориш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш керакки, меҳнаткашлар депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети ва унинг ядроси, авангард ҳамда ташаббускор кучи бўлмиш кўп сонли депутатларимиз ўз фаолиятларида илғор иш услуби ва методлардан фойдаланиб, кундалик ҳаётда дуч келаётган турли проблемаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Улар молия, қурилиш, саноат ва транспортдаги, маданий қурилиш, медицина ва ер хусусидаги қатор масалаларни ҳал этишда демократик принцип асосида иш кўриб, ҳаётий масалаларга чуқур ва адолатли ёндошаётирлар. Дадил, янгича ишлаётирлар.

Бунинг самарасини ишлаб чиқаришдаги айрим кўрсаткичлар воситасида қайд этадиган бўлсак, область саноат корхоналари ўтган йили маҳсулот реализация қилиш планини муддатидан олдин бажариб, бир неча миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарганини таъкидлаб ўтишнинг ўзи кифоя. Юк ва пассажир ташиш, чакана товар обороти планлари ҳам кўнгилдагидай адо этилди. Маиший ва коммунал, медицина хизмати кўрсатишда ҳам анча илгарилаб кетдик.

Эндиликда область ижроия комитети халқ хўжалик планларининг бажарилишига, ижрокомнинг бўлим ва бошқармалари фаолиятига, район ва шаҳар Советлари ишига қаттиқ талабчанлик билан қарамоқда, илғор тажрибаларни оммалаштириш, турли звенолардаги совет ходимларини ўқитиш, ташаббус кўрсатиб ишлашга даъват этиш, иш услуби ва методларини тубдан яхшилаш масалалари биринчи пландаги вазифалардан бўлиб қолди.

1972 йил июнининг охирида область Советининг V сессиясида «КПСС XXIV съезди қарорлари муносабати билан область маҳаллий Советларининг иш услуби ва методлари» деган актуал масала кўриб чиқилиб, кенг фикр алмашиниб, тегишли қарор қабул қилинди. Область ижроия комитети ўз қарорларининг ижроси учун қатъий курашади. Ҳар ойда область бўлим ва бошқармалари ҳамда корхона, муассасалар раҳбарларидан қарорлар ижроси тўғрисида ахборот олиниб, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилиб, лозим бўлса, амалий ёрдам кўрсатилади. Бу соҳада доимий комиссиялар ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Область ижроия комитети навбатдаги мажлисларидан бирида область саноат корхоналарида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планларининг бажарилишига доир масалани кўрди. Саноат бўйича доимий комиссиянинг бу ишига Қўқон, Маргилон, Фарғона шаҳарлари ижрокомлари раисларининг ўринбосарлари, қатор йирик корхоналар, савдо ташкилотлари раҳбарлари жалб этилди. Мажлисга қўйилган масала очиқ, ҳаққоний, принципиал, муҳокама қилинди. Қўқондаги «Большевик» заводи, Маргилондаги «Атлас» фирмаси ва ипак комбинати, Фарғона ёғочни қайта ишлаш заводи сўст ишлаётгани ва сифатсиз маҳсулот бераётгани қаттиқ танқид қилинди. Комиссия мажлис қарорида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариладиган бу корхоналар ишини яхшилаш, корхоналар устидан қатъий контроль ўрнатишни алоҳида қайд этди. Бу шунчаки, эслатма эмас эди, бу тадбир яхши самаралар бераяпти.

Янгича услуб ва методларга таяниб иш кўришда Қўқон шаҳар ижроия комитети (раиси Ўртоқ М. Маллаев) ибрат кўрсатмоқда. Шаҳар ижроия комитети ишни маҳорат билан координациялаштириб, техника прогресига, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишга эришяпти.

Шунисн характерлики, шаҳар ижроия комитети кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш юзасидан дадил, янгича иш кўрди. Ижроком ва унинг тадбиркор депутатлари шаҳар саноат корхоналари билан биргаликда ҳар бир коллектив, ҳар бир цех имкониятларини ипидан игнасигача ўрганиб чиқиб, кенг истеъмол моллаларининг қўшимча хилларини ҳам ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мумкин, деган қарорга келди ва шунга доир муҳим тадбирлар белгилади. Бундай ижобий иш услуби корхоналарнинг барча кўрсаткичлар бўйича планларни ошириб бажаришида, яхши иқтисодий-техникавий кўрсаткичларни қўлга киритишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шаҳар Совети сессиялари демократик принципларга қатъий амал қилинган ҳолда ўтаётгани, унинг ишига, қабул қилинадиган қарорларга меҳнаткашлар актив аралашаётгани диққатга лойиқдир. Сессияларда қабул этиладиган қарор лойиҳаси бир неча кун олдин шаҳар газеталари орқали эълон қилинади. Кўриниб турибдики, мавзум қарор қабул қилишда шаҳар аҳолиси қатнашиши, истак ва мулоҳазаларини билдириши мумкин. Меҳнаткашларнинг шунга доир хатлари ижрокомда чуқур ўрганилади ва лозим топилса қарорга киритилади. Қўқонда истиқомат қилувчи гражданка Басевич сессия қарори лойиҳасига шаҳар санитария ҳолатини яхшилашга оид муҳим таклиф киритди. Бу таклиф сессия қарорига ҳам киритилди. Бундай мисоллар оз эмас.

Шу ўринда меҳнаткашлар депутатлари Ленинград район Советининг активлиги, ташаббускорлиги ортиб бораётганини ҳам қайд этиб ўтмоқчимиз. Райижроком комиссияси яқинда меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни муҳокама қилди ва бу соҳада қатор жиддий камчиликлар борлиги очиб ташланди. Бу нуқсонларга барҳам беришга доир конкрет тадбирлар белгиланди. Оқибатда қисқа вақт ичида районда «Тез ёрдам» хизмати кескин яхшиланди, медицина муассасалари замонавий медицина ускуналари ва медикаментлар билан таъминланди, район касалхонасида янги бўлимлар, колхоз ва совхозларда қўшимча медпунктлар очилди. Малакали медицина ходимлари район хўжаликларининг энг чекка участкаларига бориб консультация беришлари ва беморларни қабул қилишлари системали ишга айланди. Бу, давр талабаларига қулоқ солиб ишлаётган депутатларнинг самарали ишлари якуни ҳамдир, албатта.

Ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасида фаолият кўрсатаётган, ўзларини халқ учун хизматга доим сафарбар деб билган маҳаллий Совет депутатларининг доимий комиссиялардаги фаолияти тобора активлашмоқда. Жойларда 1000 дан кўпроқ доимий комиссиялар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг теварагига 8 мингга яқин депутат уюшганки, бу катта ва ҳар қандай масалани ҳам ижобий ҳал қилишга қодир ижодий, ташаббускор кучдир! Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, район Совети депутати А. Азимбоев, Фарғона район Совети депутати, медицина ходими Н. С. Лузгина ва бошқа ўнлаб, юзлаб депутатларимиз ўз ташаббускорликлари, янгиликка интилишлари, давр талабларига ҳозир-жавоб кишилар эканликлари билан халқ хизматкори деган мўътабар ном обрўсини ошираётирлар.

Тўғри, тан олишимиз керакки, ҳали маҳаллий Советларимиз ишида талайгина камчиликлар ҳам бор. Область ва район Советлари ижроия комитетлари фаолиятида депутатларимизнинг назари тушмаётган ёки вақтида илғаб ололмаётган камчиликлар борлиги сезилиб турибди. Бу нарса областнинг қатор корхоналари ва қурилишларида кадрлар қўнимсизлиги, баъзи колхоз ва совхозларда ерларнинг талон-торож қилинишида кўзга ташланяпти. Маиший хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришда ҳам ҳали жиддий нуқсонлар бор.

Лекин, шуни ишонч билан айта оламизки, турмуш кун тартибига қўйётган турли масалаларни ижобий ҳал қилиб келаётган маҳаллий Советларимиз, уларнинг фидокор депутатлари бу камчиликларга шубҳасиз барҳам берадилар, янги иш услуби ва методларига таяниб, ютуқларимизни янада кўпайтирадилар.

Х. УМАРОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитетининг раиси.

СЕМИЗ МОЛ ТОПШИРИЛМОҚДА

Сурхондарё областидаги «Ҳазорбог» совхозининг чорвадорлари гўшт комбинатига икки юз бош чўчқа жўнатишди. Бу хўжалик областда биринчи бўлиб янги йил ҳисобига гўшт топшира бошлади.

Шу кунларда совхоз чорвадорларининг қўли-қўлига тегмайди. Фермаларда кўплаб молларни бўрдоқига боқиш тугалланмоқда. Яқин кунларда давлатга яна минг бош чўчқа ва юз бош қорамол топшириш мўлжалланмоқда. Молларнинг ҳаммаси семиз: чўчқанинг ўртача вазни 115 килограмм га боради, буқанинг вазни эса 400 килограммдан ошади.

«Ҳазорбог» совхози фермаларининг ходимлари чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қатнашиб, давлатга гўшт топшириш биринчи квартал планини анча ошириб бажаришга қарор қилдилар.

ПАРРАНДАЧИЛИК КОМПЛЕКСИ

ГУЛИСТОН. (ЎзТАГ). Гулистондаги зотли паррандачилик совхозида 50.000 та товуққа мўлжалланган паррандачилик комплексининг биринчи навбати ишга туширилди. Бу комплексда механизациялаштирилган ўртача товуқхона, инкубатор ва товуқларни боқиш учун темир панжара билан ўраб қўйилган бир неча майдонча бор. Бу қувватларнинг ишга туширилиши тухум ва парҳез гўшт етиштиришни янги даражага кўтаради.

Жонажон ишимиз

Биз Шофирқон район кооператорлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг «СССР 50 йиллиги тўғрисида» қилган сермазмун докладини зўр ҳаваҳ билан ўқиб чиқдик. Докладда меҳнаткашларга савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини янада ривожлантириш зарурлиги уқтирилади.

Юбилей йилида меҳнаткашларга 18 миллион 200 минг сўмлик турли хил товарлар етказиб берилди ва товар обороти плани ошириб бажарилди. Биз партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ кооператорлари ҳақидаги ғамхўрлигига жавобан савдо маданиятини янада яхшилаш учун нурашаверамиз. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш қишлоқ кооператорларининг жонажон иши, муқаддас бурчи. Ҳозирги вақтда қишлоқда 80 дан ортиқ магазин, ўнлаб автолавалар меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатмоқда. Беш йиллик ичида хизмат кўрсатиш бир ярим баравар ортди, товар обороти ёлғнам 25 миллион сўмни ташкил этади. Тўқиз йилнинг беш йиллигида халқ хўжалигининг гуркираб ривожланиши қишлоқ кооператорлари зиммасига янги вазифалар юклайди. Бизнинг меҳнатсевар коллективимиз партия ва ҳукуматимизнинг ишончини оқлаш, меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш учун бундан буён ҳам сидқидилдан меҳнат қиладилар.

П. ҲАКИМОВ,
Бухоро область Шофирқон район матбуот жамияти правлениесининг раиси.

Ургут районидаги Карл Маркс номли колхозда сут дарёсини тошираётганлар кўп. Шулардан бири коммунист Ойгул Баракаевадир. У беш йилдан бери эл маъмурчилигига сигирлардан мўл-кўл сут соғиб олиб ҳисса қўшиб келяпти. Ўтган йили у ўз боқимидаги 20 бош сигирнинг ҳар биридан 1850 литр ўрнига 2200 литрдан сут соғиб олиб, социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Суратда: илғор сут соғувчи Ойгул Баракаева.

Э. Суяров фотоси.

Кўзгу

ЛАВҲА

Қўқонга беш километрча қолганда хушрўй бир манзил келади. Йўлнинг икки тарафида қизил ғиштдан тикланган бинолар. Ариқ бўйларида бобоқалон чинорлар сукут сақлайди. Чинорлар ортида кўм-кўк пахтазор ва ғўза майдонларини чиройли бўлакчаларга бўлган ғуж-ғуж барғли тутзорлар бошланади.

Гузарда одам кам. Йўл бўйидаги ҳашаматли клуб равонида уч-тўрт киши куймаланиб юрибди. Йўлнинг нариги бетида, сersоя дарахт тагига қўйилган ёлғиз курсида қирқ-кирқ беш ёшлардаги новча киши ўтирибди. Кўчадан ғувиллаб машиналар, тракторлар, мотоциклар ўтади. Бояги киши бу тўхтовсиз ҳаракатга қараб ўй суради. Унинг одати шунақа. Кундалик ишлардан салгина қўли бўшаса, тўғри келиб йўл ёқасидаги курсига ўтиради. Ҳаётнинг юғуриклигини, яшликнинг собитлигини, замоннинг зайлини, қишларда кечган олов ёшлигини, ҳали олдида турган қанча-қанча серташвиш ва ойдин кунларни ўйлайди.

Эрта-индин областда катта йиғин бор экан. Унда колхозингиз ҳақида гапириб берасиз, дейишди. Бошқа киши гапира қолсин, деса, кўнишмади. Бир зал одамга, ўзинга жовдираб қараб турган кора кўзларга нима дейди? Саловатку. Бесмайди, мажлисларда кўп гапириб ўрганиб қолган. Фақат... айтганларини нокамтарликка йўйишмасмикан?

Нимадан бошласа экан гапини? Урушдан кейин биринчи марта қишкинагина колхозга бошчилик қилганиданми? Уша колхознинг ерлари ҳозирги битта бригадачалик бўлса керак. Ҳаммаёқ зах, от ёрса ўтолмайдиган ботқоқ эди. Чиқиб кўз очирмасди. Қўл билан эрик олинар, қўл билан эовур қазиларди. Ғўни билан хотинлар чўсак чувирди. Кўйинг-чи, жамики иш қўлда қилинарди. Техника йўқ даражада эди. Энди деҳқоннинг жони кириб қолди. Ҳозир колхозда икки юздан ортиқ ҳар хил машина бор. Икки юзта-я! Ёр қайдаш, бороналаш, экиш, культивация қилиш, чопиқ, дорилаш, пахтани териш, ортиш, ташиш — бари техниканинг елкасида. Бу ёғи соз. Аммо бир томони сал ишнинг белига тепиб турибди. Кейинги вақтда ҳайдов тракторларининг маркаси кўпайиб кетди. Кўпайсин, кўпайгани яхши. Лекин бу қурмағурларнинг биттаси бузилса, иккинчисининг запас қисмини солиб бўлмайди. ДТ-75 ники ДТ-54 га тўғри келмайди, «Олтойники К-70 га тушмайди. Шу билан арзимаган ери синдими, яхман деб туравераді. Янги запас қисм топиш эсе, анқога шафо. Уша тракторларни чиқарадиганлар колхоз-совхоздаги шароитни ҳисобга олишса бўлмасмикан?

Раис ён дафтарини олди. Ўтган йили энг яхши даромад қилган колхозчиларни кўздан кечирди: Абдурахмонов Деҳқонбой, ўртача ойлиги 165 сўм, Сотволдиев Муллажон, ўртача 164 сўм, Рўзиматов Ашурали, 177, Жумаев Тоштемир, 205 сўм... «Колхоз шароитида 175-200 сўм маош ёмон эмас, албатта, —пичирлади у, — лекин бунақа-пар ҳали жуда оз. Кўпчилик шу даражага чиқса эди...» У яна дафтарини варақлади. Кейинги ўн йил рақамларини солиштира бошлади: 1962 йилда 4 минг 295 тонна пахта топширилган эди, 1971 йили 6 минг 720 тонна бўлди; 1962 йили колхоз 1 миллион 730 минг сўм даромад қилган эди, 1971 йили 4 миллион 100 минг сўм; 1962 йилда бир колхозчининг ўртача ойлиги 30 сўм эди, 1971 йили 84 сўмга чиқди... «Рақамлардан раис таскин топгандек бўлди. Бироқ пахзада сергак панди: «Хотиржамлик ёмон. Хотиржам киши кўлмакка ўхшаб айний бошлайди. Айниқса, раҳбар»... Раис яна ўйлайди...

Тўғри, инсоф билан айтганда-ку, колхознинг ишлари чакки эмас. Даромадга яраша буромад, дегандек, ободончилик, маиший-маданий хизмат ҳам яхшиланиб қолди. Кейинги ўн йил ичида йигирма битта дала шийпони, олти кутубхона, етти кинотеатр, уч клуб, тўрт болалар боғчаси, етти мактаб қурилди, йигирма уч қишлоқ водопроводлаштирилди, юз тоҳчалик АТС ишлаб турибди, колхоздаги ўттиз километр дала йўли асфальт қилинди. Булар колхознинг бели бақувватлигини, колхозчиларнинг жонкуярлигини кўрсатади. Лекин яна олга юриш керак. Бунинг учун эса ҳосилдорликни ошдирмасе бўлмайди. Аслида-ку, ҳозир ёмон эмас. Мамадали Қўлдошев, Меликўзи Абдуллаевга ўх шаган бригадирлар 40 центнердан ошириб ҳосил кўтаряпти. Колхозда эса 30 бригада бор. Ҳаммаси қирқ центнерга чиқиб олса эди... Чиқариш мумкин эмасми? Мумкин. Лекин шу ишчи кучидан сал қийналиб туришибди-да. Колхозда одам камми? Йўқ. Колхоз катта, одам ҳам кўп. Бироқ бор-йўғи уч мингга яқини далага чиқади. Бир неча юз киши Қўқонда ишлайди. Шаҳар яқин-да. Қолганлари қари-картанглар, болалар... Аммо баъзи бир ёшларга ҳайронсан. Мактабни битиради-ю, аттестатни қучоқлаб шаҳарга югуради. Ўқишга киролмайди. Шалвираб колхозга қайтади ё қайтмайди. Ота-онаси ишла, болам, демайди, ўзлари эса бош эгмайди. Кўчада тош тепиб юраверади. Хуллас, тўқликка шўхлик. Туппа-тузук кишиларнинг болалари бекор саланглаб юрганини кўриб, одам хафа бўлиб кетади. Ҳайф, ёшлик ғайрати, эсси, ўтган ёш умр... Мажлисда шуларни ҳам айтиб кетаман».

Раис идора томон юрди. Рўпарасидан колхоз партия ташкилотининг секретари Хайрулла Нуриллаев келарди. У қуйиб-пишиб раисга нималардир деди. Афтидан, раис мажлисга кечикаётган эди.

— Жўравойни чақиринг, — деди раис ва бетоқатланиб, идора олдидаги баланд ишком тагида юра бошлади.

Жўравой ака «Волгани аста ҳайдаб келиб, эшикка тўғрилади. Раис тўлқинланиб мажлисга жўнаб кетди.

...Энди қаҳрамонимизни таништириш вақти келди, ҳурматли газетхон! Эҳтимол, сиз бу киши ҳақида эшитгандирсиз, ўқигандирсиз. У Фарғонанинг ман-ман деган пахтакорларидан бири, Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз раиси Мирзаахмед Деҳқонов. Ҳамқишлоқлари қисқагина қилиб, уни «Мирзамат ака», дейишади. Раснинг ишбилармонлиги, зукколиги, жонсараклиги ва ҳоказо фазилатлари ҳақида гапириб ўтирмасдан унинг ўз услубига-рақамларга мурожаат этайлик. Мирзаахмад Деҳконов икки марта Ленин ордени, бир марта Октябрь революцияси ордени, бир неча медаллар билан мукофотланган. Икки марта Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган. У республикада хизмат кўрсатган пахтакор. Мирзаахмад Деҳконов раислик қилаётган колхоз тўрт марта ВЦСПСнинг байроғини олган шухратли колхоз. Бу хўжалик аъзолари СССРнинг 50 йиллик тўйига салкам 2000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта тўёна этдилар. Шу рақамларнинг ўзиёқ Мирзаахмад Деҳконовнинг кимлигини, колхознинг қанақалигини тиниқ кўзгудек равшан акс эттириб турибди.

Саъдулла СИЁЕВ.

АДАБИЁТНИНГ МУҲИМ МАВЗУИ

ИЖОД ВА ҲАЁТ

КПСС XXIV съезди қарорлари ва съезддан кейин қабул қилинган партия ҳужжатларида социалистик жамият тараққиётининг ҳозирги босқичидаги чуқур жараёнлар ва халқаро ҳаётнинг муҳим тенденциялари таҳлил этиб берилди.

Партиямизнинг энг сўнгги ҳужжатлари орасида айниқса КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил 12 февралида қабул қилган «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик ҳақида»ги қарори алоҳида ўрин тутади. КПСС Марказий Комитетининг бу қарори назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган мураккаб масалаларни чуқур илмий ҳал қилишнинг ғоят ибратли намунасидир. Бу ҳужжатда Коммунистик партия раҳбарлигида ташкил топган янги типдаги кўп миллатли давлат — улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ярим асрлик тараққиёт йўлининг муҳим якунлари берилади. Қарорнинг аниқ ва равшан сатрларида мамлакатимизнинг улкан тарихий тажрибалари умумлаштирилган, тараққиётимизнинг муҳим босқичлари таҳлил этиб берилган.

Янги типдаги кўпмиллатли Совет давлатининг шакланиши қарорда умумийлик ва алоҳидаликнинг, миллийлик ва интернационалликнинг бирлигини ўзида ифода қилувчи мураккаб диалектик жараён сифатида кўрсатилган. Шаклан миллий ва мазмунан социалистик совет маданиятининг гакомил топишида бу қонуниятлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Эпик жанрларни фақат совет давридагина ўзлаштирган қардош адабиётлар учун муштарак бўлган процессларни ўзбек совет адабиёти ҳам ўз бошидан кечирди. Унинг энг яхши асарлари ўзбек халқининг совет тузуми йилларида босиб ўтган ҳаёт йўли манзараларини тўлақонли ва таъсирчан бадиий гавдалантирди. Мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлигининг мустаҳкамлашуви, интернационал алоқаларнинг чуқурлашиши ва кенгайишини реалистик акс эттирди.

Ўзбек прозасининг бир қатор салмоқли асарлари маҳаллий халқнинг революциягача кечган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Улуғ йўл», Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Ҳамид Ғуломнинг «Машъал» романларида собиқ Туркистон ўлкасида революцион воқеаларнинг етилиш даврлари кўрсатилади. Ойбекнинг «Болалик», Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», Назир Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» асарлари ҳам яқин ўтмиш мавзусидаги энг яхши проза намуналаридир. Ўзбек совет адабиётининг шунингдек, бошқа Ўрта Осиё халқлари ва қозоқ адабиётларининг революциягача бўлган даврларга қизиқишини ўткинчи ёки шунчаки тасодифий бир ҳол деб бўлмайди. Бу — ерлик аҳолида миллий ўз-ўзини англаш ҳиссининг кучаётганлиги ва эксплуататорлик тузуми даврларидаёқ эзилган халқлар ўртасида интернационал алоқалар қарор топа бошлаганидан далолат беради.

Интернационализм, ленинча халқлар дўстлиги гоялари Улуғ Ватан уруши йилларига бағишланган прозаик, поэтик, драматик ва ҳужжатли жанрлардаги асарларнинг ижобий қаҳрамонларини илҳомлантирувчи ва ҳаракатлантирувчи кучдир. Раҳмат Файзийнинг янги асари «Ҳазрати инсон» шу жиҳатдан диққатга сазовордир. Романда кўп миллатли совет кишиларининг моноли бирлиги жозибали, бадиий таъсирчан очилади. Асарга реал ҳаётий факт — тошкентлик темирчи Шоаҳмедов ва хотини Баҳри опалар уруш туфайли бошларига етимлик кулфати тушган 15 та ҳар хил миллат болаларини фарзандликка қабул қилиб, вояга етказганликлари асос қилиб олинади.

Аслини айтганда, мана шу фактнинг ўзиёқ улуғ мамлакатимиз халқлари дўстлигининг ажойиб мисолидир. Бу фактни ёзувчи Раҳмат Файзий санъат ҳодисасига айлантиради ва асар Иттифоқимизда кенг тарқалиб, минглаб ўқувчилар диққатига сазовор бўлди.

Улуғ Ватан урушига бағишланган кўпгина асарларда янги инсон шахсининг такомил топиши, унинг социалистик Ватан тақдири ҳал қилинаётган оғир йилларда жамиятнинг катта ҳаётига кириб келиши кўрсатилади. Бу янги инсоннинг камолотида ижтимоий ҳаётимизнинг ҳаётбахш омиллари катта роль ўйнади. Қисқа фурсат ичида унда олижаноб инсоний сифатларнинг таркиб топишини, унинг гражданин ва яратувчи инсон бўлиб етишувини таъминлади. Мана шу масала «Ҳазрати инсон» романида кенг эпик планда ҳал этилади.

Темирчи Маҳкам ва унинг хотини ўғил қилиб олишган бошқа миллатли ғўдаклар бутун мамлакат ҳаёти билан ҳамнафас яшаётган Маҳкам акаларнинг катта ва дўстона оиласига жуда тез сингиб кетишади. Улар инсон сифатида ўзларини эрта таниб оладилар, жамият ҳаётига фаол қатнаша бошлайдилар. Болалар орасида ёш каттароқ бўлган Коля мавжуд шароитнинг тақозоси билан оила бошлиқлари қаторида тирикчилик ташвишларини ўз зиммасига олади.

Лекин бу ерда масаланинг муҳим томони шундаки, Коля оиланинг ўғлайиб қолган фарзанди сифатида унинг тирикчилиги ҳақида қайғурар экан, ёш ҳали жуда ёш йигитчанинг тимсолида беихтиёр социалистик Ватанимиз гражданини, умумхалқ ишининг онгли иштирокчисини яққол кўрамиз. Унинг ҳар бир ҳаракатида, тақдир қовуштирган гойибона укаларга ва сингилларига ғамхўрлигида социалистик жамият кишисининг ахлоқи ва маънавий дунёси бутун ички жозибаси билан намоён бўлади. Социалистик жамиятимиздаги интернационалистик алоқаларнинг теран характери, давлатимиз, жамиятимизнинг ўтган ўн йиллардаги тараққиёти жараёнида кишиларимизда қарор топган ахлоқнинг юксак гуманистик мазмуни романда санъаткорона очилади.

Замонавий мавзуларга ёки яқин ўтмишга мурожаат қилаётган ўзбек ёзувчилари тасвирланаётган ҳодисаларни бутун ҳаётий чуқурлиги билан кўрсатишга, уларни жонли тарихий жараён билан узвий бирликда очишга мойилдирлар. Ҳаётни изчил тарихий-революцион тараққиётда олиб қараш у ёки бу қаҳрамон такомилининг ҳаётий асосларини очиш, жамият тараққиётининг умумий қонунлари манбанда шароитимизда юз берган ва юз бераётган ўзгаришларни кўрсатиш имконини беради.

Замонавийликни «ҳаракатда» кўриш ва бадиий кўрсатишнинг ибратли мисолларидан бири сифатида Шароф Рашидовнинг «Голиблар» ва «Бўрондан кучли» номли асарларидан ташкил топган дилогиясини эслаш ўринлидир. Бу дилогияда кўтарилган масалалар ва қаҳрамонлар галереяси урушдан кейинги йиллардаги ўзбек қишлоғининг реал ҳаётий атмосферасини жонли гавдалантиради.

Тарихга мурожаат бу асарда табиий характерга эга. Асардаги бундай ўринлар халқ ҳаёти ва айрим шахслар тақдиридаги муҳим томонларни янада бўртириб кўрсатишга хизмат қилади. Аста-секин тарихга айланган воқеаларнинг диққатга сазовор томони шундаки, улар коммунизм учун курашчиларнинг бугунига асос бўлади, айни кунлардаги тараққиётимиз омилларини юзага келтириб ўтишга айланади. Асарда тасвирланган воқеалар, кишиларнинг кундалик, илҳомбахш меҳнати, уларнинг ўй ва орзулари, ташвиш ва ҳаяжонлари, айниқса ижобий қаҳрамонларнинг ахлоқий ва маънавий дунёси дилогияда конкрет тарихий даврни муҳим томонлардан, уни ўтмиш ва келажак билан узвий алоқада кўрсатишнинг конкрет воситаларидир.

Ёзувчи Асқад Мухторнинг «Чинор» романи ҳам ўзбек прозасининг сўнгги пайтлардаги диққатга лойиқ намуналаридан биридир. Бу асарда ҳам «тарихий вақт» ҳозирги кун ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоялар орбитасига актив ёриб киради, тасвирланаётган манзараларга таҳрорланмас стереоскопик таъсирчанлик бағишлайди.

Ўзбек ёзувчиларининг турмушда янги принципларнинг тантанасини кўрсатишга бағишланган асарларидаги ижобий қаҳрамонлар тўғрисида шуни қомил ишонч билан айтиш мумкинки, улар коммунизм иши учун фидокор совет кишиларининг типик тимсолидир, ватанпарварлик туйғулари, пролетар интернационализмига содиқлик уларнинг турмуш тарзи, фаолияти ва ахлоқий дунёсининг моҳиятини ташкил этади. Уларнинг қон-қонига сингиб кетган бу сифатлар социалистик жамиятимизнинг ҳаётбахш самараларидир.

Замона ҳаёти — замондошларимиз образида гавдаланади. Ўзбек прозасида ҳозирги пайтда замонамиз кишилари образини яратиш соҳасида мароқли изланишлар кўзга ташланади. Адабиётда такомил топаётган кишилар қиёфасини кўрсатиш бош мавзулардан бўлиб қоляпти. Шубҳасиз, ўзбек ёзувчиларининг ёшлар тақдирига қизиқиши шу жиҳатдан изоҳланади. Ўзбек прозасидаги ёшлар образи ҳаётда ўз гражданлик ўрнини топиб келаётган, у ёки бу соҳанинг мутахассиси, коммунистик қурилишнинг актив қатнашчилари қаторидан жой эгаллаётган кишилардир. Мирмуҳсининг «Умид», Одил Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади», Улмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» номли асарларидаги қаҳрамонлар ана шундай ёшлардир.

Бу асарларга хос муштарак хусусият шундаки, уларда конфликт маънавий-ахлоқий муносабатлар манбанда юзага келади. Конфликтнинг бундай характери ёзувчилардан персонажларнинг ички дунёсини, кечинмалари ва фикрларини чуқур очишни талаб қилади, уларнинг хатти-ҳаракатларини қатъий асослашни тақозо этади.

Ўзбек адабиётининг интернационализм пафосн унинг прогрессив тенденцияси, воқеликнинг етакчи ҳақиқатларга содиқлиги, чуқур коммунистик партиявийлиги ва халқчиллигининг ифодасидир. Бу пафос унинг социалистик реализм адабиёти сифатида тараққиётининг бош линиясини белгилайди.

Г. П. ВЛАДИМИРОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ЎН УЧ ЁШЛИ СТУДЕНТ

Ўтган йилнинг ёзида Киев давлат университети эҳтимоллар назарияси кафедрасининг ўқитувчиси, физика-математика фанлари доктори, йигирма беш ёшли Дмитрий Сильвестров ўн уч ёшли пионер Таня Дворакдан кириш имтиҳони олди. Қизча механик-математика факультетининг студенти бўлди.

Бу воқеа Киев университетида биринчи марта бўлаётгани йўқ. Бундан тўрт йил муқаддам Танянинг акаси, ўн икки ёшли Саша Дворак ҳам худди шу факультетнинг студентлари сафидан жой олган эди.

— Дворaклар ҳақида фикрингиз қандай? — сўрадим олим Дмитрий Сильвестровдан.

— Улар жуда қобилиятли студентлар, — деди Сильвестров. — Таня имтиҳонларни муваффақиятли топширди. Бешинчи курс студенти. Саша бўлса, ҳамма фанлардан яхши кўрсаткичларга эришмоқда. У эндигина 16 га тўлди, лекин семинарда «Ўзгарувчан коэффициентли чизиқсиз дифференциал тенгламаларни интеграллашнинг умумий усули» деган темада доклад қилди.

— Ака ва сингил университетимизнинг бошқа студентларидан фарқ қилишмайди, — дея давом этди олим, — лекин уларда тенгдошларига нисбатан бир устунлик — вақтдан ютиш устунлиги бор. Улар ўз ўртоқларидан 5—6 йилга ўзиб кетишган. Фанда эса вақтдан ютиш жуда муҳим.

* * *

«Точэлектроприбор» заводининг дурадгори Владимир Дворак оиласи Киевда, Днепр соҳилида яшайди. Уларнинг уч хонали квартираси ўн биринчи қаватда жойлашган. Дворaклар аввал Макеевкада туришарди. Саша Киев университетига киргач, бу ерга кўчиб келишди.

Украиналик бу оиланинг уч фарзанди бор. Кенжатой, чаққон Володя билан танишдим. Саккиз ёшга кирган Володя ҳозир тўртинчи синфда ўқияпти. Уй бекаси Зинаида Дворакнинг фикрича, Володя болалари ичида энг қобилиятлиси эмиш. Болалар тарбиясида она тажрибаси яққол сезилиб турибди. У педагог, ўрта мактабда украин тили ва адабиётдан дарс беради. Тўнғич ўғли Саша икки ёшида ҳарфларни ўрганиб, уч ёшида ўқий бошлади. Математикани жон дилидан севган ота тўнғич ўғли билан тинимсиз шуғулланди. Бола тўрт ёшида квадратдан илдиз чиқарадиган, сонларни даражага кўтарадиган бўлиб қолди. Ҳатто тўрт хонали сонларни кўпайтиришда отасини лол қолдира бошлади.

Саша мактабга борган биринчи йилиёқ 3 синф программасини ўтиб бўлди. Шу тариқа 12 ёшида мактабни тугатиб университетга кирди. Таня ҳам акасининг изидан борди. Думалоқ юзини сепкил қоплаган бу қизча етти ёшида мактабнинг иккинси синфига кириб, уни тугатгач, тўртинчига, бешинчи синфдан эса еттинчига ўтди. Кейин синфдан синфга, фақат аъло баҳолар билан ўтиб, мактабни олтин медаль билан тамомлади. Мана энди у ўн уч ёшида университет талабаси бўлиб, ўқимоқда.

В. ВЕЛИКЮКАНИН,
(АПН).

СПОРТ

ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Жисмоний меҳнат кишисига жисмоний тарбия билан шуғулланиш зарурми? Ахир, ҳар иккисида ҳам инсон озми-кўпми энергия сарфлайди, мускулларини ҳаракатга келтиради-ку! Барди-ю, жисмоний меҳнат кишиларига умумий ҳолатлари, иш унумига қараб баҳо бериладиган бўлса, бу саволга тўғрироқ жавоб топиларди. Чунки, спорт билан шуғулланган кишининг руҳи тетик, кайфияти чоғ бўлиши билан бирга, иши ҳам серсамарадир.

Бугунги кунда Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши деб ном олган Қарши даштида худди шундай манзарага дуч келдик. Суҳбатни комсомол қурилиши штаби бошлиғи Э. Ражабовдан бошлашга тўғри келди. Қурилишда тер тўкаётган ёшлар ўртасида Бутуниттифоқ физкультура янги комплекси — «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» нормативларини топириш бўйича қандай ишлар қилинаётганлигини бошлиқдан сўрадик. У киши бир оз ўйланиб қолди... Кейин бу борада бирлашган «Каршистрой» бошқармаси касаба союз комитетининг раиси А. Сандовга мурожаат қилишимизни сўради.

Биз А. Сандовдан ҳам қониқарли жавоб ололмадик. Аввалига у «Каршистрой»да анъанавий ўтказиладиган спартакиада мусобақаларини рўйач қилиб қутилмоқчи бўлди. Аммо бу тўғрида бирорта ишонарли мисол келтиролмади, А. Сандовнинг тавсияси билан «Трансжильстрой» трестининг физкультура инструктори А. Пенязни изладик.

— Биласизми, — дейди инструктор, — ўтган йил қиш жуда оғир келди. Трестимиз коллективи ишлаб чиқариш планини бажаролмай қолди. Энди бажарилмай қолган ишларни ниҳоясига етказиш учун зўр беряпмиз. Шундай бўлгач, спорт билан шуғулланишга вақт қаерда дейсиз, ога. Одамларимизнинг бари иш билан банд...

Қурилиш комсомол комитети секретари З. Бегимқуловнинг гапларида ҳам мантиқ бўлмади.

— ГТО масаласи бизда жуда оғир, — дейди у. — Биргина инструктор бор. Албатта камлик қилади. Қурилишимизда физкультурачилик ҳаракатини жонлантириш мақсадида инструкторлар сафини кўпайтиришга қарор қилганмиз. Аммо спортни жондан севган, жисмоний тарбия ишига ихлос қўйган малакали мутахассислар топилмаяпти. Қурилишда меҳнат қилаётган йигит-қизлар яқиндагина оммавий мусобақаларда, спартакиада ўйинларида иштирок этишганди. Ўшанда А. Саидов, Э. Ражабов ва А. Пеняз ўртоқлар мусобақани ўтказиш ишларига раҳбарлик қилишган эди-ку. З. Бегимқуловнинг бу ишда ташкилий комитет раиси ўринбосари бўлганлиги ҳам маълум.

Энди савол туғилади. Кечагина қурилишда қўпчилик спорт билан шуғулланарди. Нега энди, бугун физкультура ҳаракатига «янгича» муомала қилишяпти? Барча ташкилий ишлар каби оммавий физкультура ҳам бефарқлик ва хафсаласизликни ёқтирмайди. Ҳамма ерда бўлгани сингари қурилишда ҳам спорт жонкуяри етишмаётганлиги кўриниб турибди. Қурувчилар билан суҳбатдан маълум бўлишича, шундай одамлардан бири — механизация бошқармаси бошлиғи Виктор Стельмах экан. У илгари боксчи бўлган. Шунинг учун ҳам спортнинг нафи ва истиқболини кўра билади. Қаранг, Виктор вақтинча бошқа ишга кўчирилибди-ю, қурилишда спорт ишлари тўхтаб қўяқолди. Наҳотки, қурилиш раҳбарлари коллектив ёшларининг мусобақаларда қўлга киритган ютуқларидан, жозибали куч синашишларидан завқланишмаса?

«Каршистрой»ден катта зарбдор қурилишда спорт ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги Қашкадарё область комсомол комитети ва область «Меҳнат» спорт жамияти раҳбарларини ташвишга солмаётгани ажабланарли.

А. МУРИЕВ.

Планетамиз — ХАБАРЛАРИ

БОЛГАРИЯ. Бу ерда ҳар йили курорт, санаторий ва дам олиш уйларида мавсум тугаши билан барча сув ости кемалари, сайр катерлари қирғоққа — профилактика назоратига қўйилади. Суратда: Совет «Комета»си Варна портида.

В. Егоров фотоси. (ТАСС).



ЯНГИ ЙИЛ—ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

УЛАН-БАТОР, 3 январь. (ТАСС). Монгол халқи, деб ёзади «Унэн» газетаси бугунги сонида, бешинчи беш йилликнинг учинчи йили — 1973 йил план топшириқларини бажаришга киришди. Республика меҳнаткашлари Монголия Халқ Революцион партияси XVI съезди ва Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети тўртинчи пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, дейилади газетанинг бош мақоласида, умумхалқ байрами — СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини катта меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар. Мамлакат чорвадорлари ёш моллари яхши парвариш қилиб ўстирдилар, молларнинг нобуд бўлишини қисқартирдилар. Ўтган йили озуқа тайёрловчи бир қанча хўжаликлар, зотли мол фермалари, ремонт устахоналари ва бошқа қишлоқ хўжалик объектлари ишга туширилди.

Монголия Халқ Республикаси ишчилар синфининг фидокорона меҳнати натижасида 1972 йилги асосий план топшириқлари бажарилди. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо-сотиқ ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди.

Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг кенгайтирилган мажлиси, деб таъкидлайди «Унэн» газетаси, мамлакат халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришнинг 1973 йилга мўлжалланган планини тасдиқлаган эди. Бу планда саноат маҳсулотини 11 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 14 процент кўпайтириш, миллий даромадни 11 процент ва меҳнат унумдорлигини 7,7 процент ошириш кўзда тутилган.

РЕКОРД НАТИЖАЛАР

✦ БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасидаги саноат корхоналарининг коллективлари янги йилда меҳнат вахтасини муваффақиятли бошладилар. Уларнинг кўплари учун янги йил бир мунча олдинроқ бошланди. Улар бултурги план топшириқларини муваффақиятли бажариб, декабрь ойидаёқ 1973 йил ҳисобига ишлай бошлаган эдилар. Бултур мана шундай фидокорона ишлаш натижасида пландан ташқари 2 миллиард маркали янги маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Масалан, Эйзенхюттенштадтдаги «Ост» металлургия комбинатининг прокатчилари янги йил меҳнат вахтасида юксак кўрсаткичларга эришиб, смена топширигидан ташқари яна 140 тонна прокат тайёрлаб бердилар. Луххаммердаги кўмир комбинатининг ишчилари январнинг биринчи кунида Брикет фабрикаларига бир неча ўн вагон кулранг кўмир ортиб юборишди.

Росток, Висмар, Штральзунд портчилари янги йилда рекорд натижаларга эришдилар.

Шу кунларда Германия Демократик Республикасидаги заводлар ва фабрикалардаги меҳнат ғайрати авж олиб кетганлиги ишчиларнинг коллективлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш планларини бажаришга маҳкам бел боғлаганликларини кўрсатиб турибди. Бу йилги планга кўра биринчи марта 200 миллиард маркадан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши керак.

«УНУМДОРЛИК КОМБИНАТИ»

✦ СОФИЯ. Варна яқинидаги Девня водисида мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган комбинат қурилиб бўлинди. Болгариядаги мана шу энг катта комбинатнинг инженер ва техниклар коллективи ҳозир машиналар ва ускуналарни ишга туширишга олдидан синаб кўришга ҳозирланмоқда.

Девнядаги мураккаб минерал ўғитлар комбинати азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар ишлаб чиқаради. Бу комбинат энг замонавий ускуналар билан таъминланган. Комбинатда ишлаб чиқариш жараёнлари ва уни бошқариш электрон-ҳисоблаш техникаси ёрдамида бажарилади. Комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг ҳажми ҳозир мамлакатда ишлаб турган учта корхонанинг — Димитровграддаги, Старазагорадаги комбинатлар ва Врацадаги завод ишлаб чиқараётган минерал ўғитлар ҳажмига тенг бўлади. Комбинат ишга туширилгандан кейин мамлакат қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи асосан ҳал бўлади.

Комбинат лойиҳасини Софиядаги «Химпроект» институти совет мутахассисларининг ёрдами билан тузиб берди, уни қурувчиларнинг ва унда келгусида ишлайдиган ходимларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқида ва бошқа мамлакатларда, шунингдек Болгариядаги корхоналарнинг ўзида ишлаб тажриба орттирган кишилардан иборат.

БУҒДОЙ ВА МАККАЖЎХОРИНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ

✦ БУХАРЕСТ. Руминия селекционерлари яхши натижаларга эришдилар. Улар қишлоқ хўжалиги экинларининг юзга яқин янги гибрид навларини етиштириб бердилар ва ишлаб чиқаришга жорий қилдилар. Булар орасида румин мутахассисларига жуда манзур бўлган «Аврора», «Кавказ» совет навлари асосида етиштирилган сермаҳсул «Ловрин-10» ва «Турда-195» буғдой навлари бор. Янги буғдой навлари гектар бошига 60 центнердан зиёдроқ ҳосил беради. Фундулдаги дон ва техника экинлари марказий илмий-тадқиқот институтининг олимлари ва тажриба станциялардаги олимлар маккажўхорининг ҳам бир қанча қимматли гибрид навларини етиштириб бердилар. «230» ва «130» гибрид навлар анча серҳосил бўлиб чиқди. Уч йилдан бери мана шу гибридлар экилган ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 70-90 центнер ҳосил олинмоқда. (ТАСС).

ЧИЛИ. «Деско» қурилиш фирмаси хўжайинларининг қонунсиз «иш ташлашлари» тугагандан сўнг, улар иш ташлашдан олдин Халқ бирлиги ҳукуматини қўллаб-қувватлаб ишни тўхтатмаган ишчи ва хизматчилар билан бўлган шартномаларни бекорга чиқаришга урниб кўрдилар. Президент С. Альенде фирма ишчиларининг норозилик митингида сўзга чиқиб: «Ҳукумат «Деско» ишчиларни ишсиз қолишига йўл қўймайди, агар фирма хўжайинлари ватанпарварликка зид ҳаракатларини давом эттирар экан, у ҳолда фирма мусодара қилинади ва давлат назорати остига ўтади» — деб қатъий фикр билдирди. Суратда: митинг пайти.

ТАСС фотоси.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

ПРАГА, 3 январь. (ТАСС). Бу ерда ЧССР билан Куба ўртасида 1973 йилда товар айирбошлаш тўғрисидаги протокол имзоланди. Чехословакия Кубага электр станциялар учун ҳамда цемент заводлари учун ускуналар, дори-дармонлар, спорт анжомлари, кенг истеъмол моллари етказиб беришни давом эттиради. Куба Чехословакияга бу йил никель, мис, қанд-шакар, тамаки ва тамаки буюмлари, цитрус меваларга ва мева консервалари етказиб беради. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш 1972 йилга нисбатан бу йил 17 процент кўпаяди.

ВДРГА ҲУЖУМЛАР

ХАНОЙ, 3 январь. (ТАСС). Американинг стратегик бомбардимончи самолётлари Вьетнам Демократик Республикаси территориясига яна бир қанча ҳужумлар қилди.

1 январга ўтар кечаси «В-52» самолётлари Тханьхоа вилоятидаги Тхиеушон уездининг Тхойзан, Хоптханг ва Миньзонг коммуналари ўзигагина мингдан ортиқ бомба ташлади. Тинч аҳолидан 82 киши ўлди ва 37 киши яралар бўлди, 250 уй вайрон бўлди. Шолиполяларга катта зарар етказилди.

ХАНОЙ, 3 январь. (ТАСС). «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлари 2 январда Шимолий Вьетнамнинг Тханьхоа, Нгеан Хатинь, Куангбинг вилоятларидаги ва Виньлинь зонасидаги Донгхой шаҳрига ва аҳолиси зич жойлашган бошқа районларга бомбирлиб ҳужум қилишди. АҚШ 7-флотининг кемалари шу куни ВДРнинг Нгеан вилоятидан жанубдаги соҳил районларини ўққа тутишди. Бомбардимон қилиш ва тўпга тутиш натижасида юқорида кўрсатилган районларнинг аҳолиси ўртасида ўлганлар ва яралар бўлганлар бор, кўлгина уй-жойлар ва ишлаб чиқариш бинолари вайрон қилинди.

ВДР ташқи ишлар министрлиги вакилининг бу ерда эълон қилинган баёнотида республиканинг суверенитетига ва хавфсизлигига қилинаётган барча ҳамлаларни АҚШ дарҳол тўхтатиши кескин талаб қилинади. Вьетнамдаги уруш ҳаракатларининг жиддий оқибатлари учун бутун жавобгарлик АҚШ ҳукумати устига тушиши лозим, дейилади баёнотда.

ИЛМИЙ КОНГРЕСС СЕССИЯСИ

ДЕҲЛИ, 3 январь. (ТАСС). Бугун Панжоб штатининг бош шаҳри — Чандигархда Ҳиндистон илмий конгрессининг йиллик сессияси ўз ишини бошлади. Сессиянинг тўрт минг қатнашчиси ва меҳмонлари орасида Ҳиндистон, СССР, ГДР, Чехословакия, Бангладеш, АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатларнинг таниқли олимлари бор.

Бош министр Индира Ганди сессияни очиб, Ҳиндистон олимларини бутун куч ва билимларини халқ фаровонлигини оширишга сарфлашга даъват этди. Фан-техника билимларининг ривожланиши, замонавий тадқиқот марказларининг очилиши, юқори малакали кадрлар тайёрлаш мамлакат иқтисодий тараққиётига, кашшоқликни, ишсизликни йўқотишга ва социал тараққиётга ёрдам беради, деб таъкидлади бош министр.

ПЕНТАГОННИНГ ИҚРОРИ

ВАШИНГТОН, 3 январь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти кейинги кунларда мисли кўрилмаган даражада кенг миқёсда бомбардимон қилинганлиги натижасида граждан объектларига, шу жумладан Ханойдаги энг катта Батьмай касалхонасига ва аэропортга бомбалар ташланганлигига Пентагон иқрор бўлди. Пентагон вакили Фридхейм матбуот конференциясида гапириб «аэропорт ва касалхона вайрон қилинган бўлса керак», деди.

НОРВЕГИЯДА ДОВУЛ

ОСЛО, 3 январь. (ТАСС). Норвегиянинг ғарбий соҳили бўйлаб кучли довул бўлиб ўтди. Кўлгина районларда уйларнинг томлари учиб кетди, электр линиялари изидан чиқди, телефон алоқаси узилди, автомобиль ва темир йўл транспорти ҳаракати тўхтаб қолди. Довул келтирган зарар жуда кўп миллион крон деб баҳоланмоқда. Қурбон бўлганлар бор.

ЛИССАБОНДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

ПАРИЖ, 3 январь. (ТАСС). Биринчи январга ўтар кечаси Лиссабон полицияси Португалия пойтахтининг черковларидан бирида «Тинчлик йўлида хизмат қилайлик» шиори остида ўтказилган тинч диний намойиш қатнашчиларидан ўн икки кишини қамоққа олди. Франс Пресс агентлиги Лиссабондан шу ҳақда хабар беради.

Намойишчилар Португалия ҳарбийлари кўп йиллар давомида Африкадаги мустамлакалари аҳолисига қарши олиб бораётган уруш тўғрисида оммавий мунозара ўтказишга қарор қилган эдилар.

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 3 январь. (ТАСС). Америка олимлари Даниел Эллсберг ва Энтони Руссо «иши» юзасидан бугун Лос-Анжелесда иккинчи марта суд бошланди. Пентагоннинг «миллий маркази» ҳисобланган «Рэнд корпорейшн»нинг собиқ ходимлари Эллсберг ва Руссо АҚШ Ҳинди-Хитой мамлакатларига қарши агрессия тайёрлагانлиги ва бошлаб юборганлигининг сабабларини очиб берувчи махфий ҳужжатларни эълон қилмоқ учун Америка матбуотига топширган эдилар. Улар Пентагоннинг мана шу махфий ҳужжатини эълон қилди, деб айбланмоқдалар.

Вьетнамлари урушга қарши курашиб келган бу олимларга 12 моддадан иборат айбнома қўйилди. Жумладан улар, 1940 йилда чиқарилган машъум «жосуслик тўғрисидаги қонун»ни бузди, давлат ҳужжатларини ўғирлади, «миллий хавфсизлик»ка зарар етказди, деб айбланмоқдалар. Суд уларни узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилиши мумкин.

Эллсберг ва Руссодан ўч олиш учун қилинган биринчи уриниш муваффақиятсиз бўлиб чиққан эди. Судья Берн суд маслаҳатчилари хайъати прокурор қўлида итоатли қурол бўлиб қолишдан бош тортиши мумкин, деб хавотирланиб, маслаҳатчилар хайъатини тарқатиб юборишга мажбур бўлган эди. Олимлар устидан иккинчи марта ўтказилаётган суд хайъатининг янги составини танлаб олишдан бошланади. Маслаҳатчилар хайъатини танлашга бир ойча вақт кетади, деб кутилмоқда.

Эллсберг ва Руссони суд орқали таъқиб қилиш ҳаммаси бўлиб бир йилдан кўпроқ вақтдан бери давом этиб келмоқда. Айбланувчиларга нисбатан ҳуқуқий нормалар кўп марталаб қўпол равишда бузилди ва жумладан айбланувчиларнинг адвокатлари телефон орқали нималарни гаплашаётганликлари қонунга хилоф равишда махфий эшитилиб турилди. Америка жамоатчилигининг кенг доиралари Вьетнамдаги агрессия урушни қоралаб келган олимлардан ўч олишга қилинаётган уринишларга қарши кескин норозилик билдирмоқда. Бироқ Америка реакцияси судланувчиларни айблайдиган ҳукм чиқартиришга уринишдан қайтмаётир ва шундай йўл билан мамлакатда Шарқи-Жанубий Осиёдаги жиноий уруш давом эттирилаётганлигига қарши ҳаракат қатнашчиларини қўрқитмоқчи бўлиб турибди.

ЗИЛЗИЛА МАРКАЗИ ПОМИРДА

3 январь маҳаллий вақт билан соат 20 дан 32 минут ўтганда Тошкент марказий сейсмик станциясининг асбоблари навбатдаги зилзилани қайд қилди. Унинг кучи Тошкентда 2-3 балл бўлди. Зилзиланинг маркази республикамиз пойтахтидан 340 километр жанубий-шарқда — Помир тоғларида экани аниқланди.

Дастлабки маълумотларга кўра, ер силкинишининг кучи Фарғона водийсида 4 балл, зилзила марказида эса 6-7 баллга етган.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.20—Қорбобо совғалари. 11.40— **Тўрт таничи ва ит** (бадиий фильмнинг 5-серияси). 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Мультфильм. 13.15 — «Пионерия» қуйлайди. 13.50 — Бадиий фильм. 14.50 — Шахмат мактаби. 15.20— Ҳужжатли фильм. 16.05—Фильм-концерт. 16.20 — Ўқув кўрсатуви. 17.35 — ТОШКЕНТ 17.40— Мультфильм. 17.50 — Касбимиз-фахримиз. 18.30 — Социализм дунёси (Москва). 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.40 — АХБОРОТ. 19.55 — Ўн минут музика. 20.05 — АХБОРОТ. 20.35 — Теленовелла. 21.30 —«ВАҚТ». 22.00 — «Коммунист». 22.35 — **Кўл бўйида** (бадиий фильмнинг 1-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.40 — МОСКВА. 17.45 — Қизиқувчилар турнири. 18.30—Телефильм. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Концерт. 20.00 — Телефильм. 20.20 — **Жиноятчи «Уэмбли» стадионида ўтиришди** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 21.30 — ТОШКЕНТ. 22.00 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.20 — Музикали суҳбат. 20.00 — Фильм-концерт. 20.40 — **Дурангсиз ўйин** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/I да **Дон Кихот** (кундузи), **Севилья сартароши** (кечқурун). 6/I да **Оққуш кўли** (кундузи), **Чио-чио-сан** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/I да **Афсона яратган қиз** (кундузи), **Тарих тилга кирди** (кечқурун). 6/I да **Тарих тилга кирди** (кундузи), **Парвоз** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРДА — 5/I да **Ҳалима** (кундуз ва кечқурун), 6/I да **Тоғ гўзали** (кундузи), **Тошболта ошиқ** (кечқурун), 7/I да **Тоғ гўзали** (кундузи), **Жумагул** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/I да **Садоқат** (кундузи), **Трибунал** (кечқурун), 6/I да **Ойдин** (кундузи), **Биринчи бўса** (кечқурун), 7/I да **Садоқат** (кундузи), **Номзодлар** (кечқурун).

КИНО

Адашганлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда). СПУТНИК» (тоқ соатларда). «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

Шамол билан юзма-юз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Кутамиз сени, йигит! — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да), «КУКЧА» (кеч соат 5 ярим ва 7 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Дунё (2 серия, ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Дайди (2 серия) — ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11.30, кундуз 2.30, 5.30 ва кеч 8.30 минутларда).

Танҳо ўзинг — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда). САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Аёллар ва берсальерлар (жуфт соатларда), **Пеппи Така-Тука мамлакатида** (тоқ соатларда): — «ДРУЖБА».

Қора фаришталар — «КУКЧА» (кундуз соат 12, 3 ва кеч 8.40 минутда)

Оливер (2 серия) — «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 2, 5 ва кеч 8 да).

Андрей Рублев — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9 да).

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» ВА «ЎЗГОСЭСТРАДА» БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

қўшиқчилар: қизлар ва йигитлар (28 ёшгача);
раққосалар: қизлар (25 ёшгача).

Конкурсда қатнашиш учун қобилиятли, ўзини бадиий ҳаваскорликда кўрсатган ёшлар таклиф этилади.

КОНКУРС МУДДАТИ — 1 ФЕВРАЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй, «Ўзбекконцерт».

«Ўзсантехгазмонтаж» трестининг ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА (Педагогическая кўчаси, 75-уй)

Тошкент шаҳрида ва ишнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш характерига эга бўлганлиги учун 30 процент кўшимча иш ҳақи олиш шарти билан Тошкент областида ишлаш учун

слесарь-сантехниклар, электр пайвандчилар, газ пайвандчилар, шоферлар, инженерлар, техник-сантехниклар, Олмалиқ шаҳрида прораб вазифасида ишлаш учун **техник-сантехниклар**

КЕРАК

Алгиз кишилар, ётоқхона билан таъминланади.

Тошкент шаҳар. Пролетар кўчаси, 4-уй. — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

эълонлар — 338142. коммутатор—330249 дан 330258 гача.

В. — 4. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 03116